БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 91
16 ИЮНЬ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

## БУГУНГИ СОНДА:

**Янги заёмга ёзилиш катта муваффақият блан давом этмоқда** (1-нчи бет).

Поездлар қатнавининг ёзги графиги (1-нчи бет).

**Е. Оврутский.** — Тўқимачилик комбинатининг рассомлари. (1-нчи бет).

ВЦСПС нинг иши тўғрисидаги ҳисобот доклади юзасидан СССР касаба союзлари XI с'ездининг қарори (2-нчи бет).

Тошкент шаҳар советининг сессияси (2-нчи бет).

ТЕАТР. «Қуёш ўлкасида». (2-нчи бет).

**Культивация ва чопиқни сифатли ўтказиб, барча майдондаги ғўзани яхши ривожлантирайлик! А. Муҳаммадалиев, И. Аликўзиев.** — Ғўза парваришидаги қолоқлик тугатилсин **Т. Рўзубоев.** — Миннгектарчилар ҳаракати кенгаймоқда. (3-нчи бет).

**Н. Артемьев.** — Прогрессив усуллар пропагандаси (3-нчи бет).

**Н. Юсупов.** — Юксалиш йўлида (3-нчи бет).

КПСС делегациясининг Прагада бўлиши. (4-нчи бет).

Француз ёзучиси Жан-Поль Сартрининг Ўзбекистонда бўлиши. (4-нчи бет).

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши. Жанва кенгаши теварагида. (4-нчи бет).

# Колхоз бошланғич партия ташкилоти

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати оғир саноатни ривожлантиришда эришилган муваффақиятларга таяниб, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни тез ривожлантиришнинг, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришнинг кенг программасини амалга оширмоқдалар. Совет халқи партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сафарбар этмоқда. Миллион-миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилмоқда, асрлардан бери қақраб ётган ерлар яшнаган экинзорларга айлантирилмоқда.

Коммунистик қурилишнинг улуғ, оламшумул, янги вазифалари ҳал этилаётган ҳозирги пайтда қишлоқ партия ташкилотлари айниқса яхши ишлашлари, ташаббускор бўлишлари, ишда расмиятчилик ва бюрократизмга барҳам бериб, сабот ва ғайрат блан ишлашлари, социалистик давлат манфаатларини кўзда тутиб, партия ва ҳукумат қарорларининг тез ва пухта бажарилишига эришишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумлари тарихий қарорларидан кейин қишлоқ партия ташкилотлари анча мустаҳкамланди, партия раҳбарлиги МТС, колхоз ва совхозларнинг ишлабчиқаришига яқинлаштирилди, қишлоққа жуда кўп мутахассислар ва партия ходимлари юборилди.

Партия ташкилотлари формал-бюрократик иш услубидан воз кечиб, хўжалик масалалари блан яқиндан, конкрет шуғулланабошладилар. МТСлар зонасига райком секретарьлари бошчилигида инструкторлар группасининг юборилиши блан МТС ва колхоз бошланғич партия ташкилотларининг иши анча яхшиланди, ишлабчиқаришда коммунистларнинг авангардлик роли сезиларли даражада кучайди.

Оҳангарон районидаги Калинин номли колхоз бошланғич партия ташкилоти янги шароитда янгича ишлашнинг намунасини кўрсатмоқда. Бу ташкилот артель хўжалигининг энг муҳим участкаларига коммунистларни биркитди. Райком инструктори ўртоқ Ўролов бошланғич ташкилот секретари блан биргаликда коммунистларнинг қайси тормоқда ишлаётганлиги ва уларнинг ўз вазифаларини қандай бажараётганлари блан чуқур танишди. Коллектив хўжаликда коммунистларнинг авангардлигини та'минлаш масаласи бошланғич ташкилот йиғилишида муҳокама қилинди, ўз вазифаларида мас'улият сезмаган ва яхши ишламаётган коммунистлар қаттиқ танқид қилинди. Шундан кейин коммунистларнинг ишлабчиқаришдаги авангардлик роли ва топширилган иш учун мас'улияти ошди. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Рустамов уларнинг иши устидан назоратни кучайтириб, партийвий-ташкилий ва партийвий-сиёсий ишларни янада яхшилаш учун қураш олиб бормоқда.

Дала ишлари қизғин тус олган ҳозирги пайтда партия, совет ва қишлоқ хўжалик ходимларининг бутун э'тибори, колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларнинг бутун куч ва ғайрати экинлардан мўл ҳосил олишга, чорва молларини яхши парвариш қилиш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилиши керак. Аммо, бирқанча қишлоқ партия ташкилотлари борки, улар ҳали ҳам ўз ишларида юзакичилик, расмиятчилик ва бюрократизмга барҳам берган эмаслар. Райком секретари ёки инструктор колхозга келгандан кейин партия ишига, колхоз ҳаётига оид муҳим масалалар ҳал этилмагунча, ўз ишидан натижа чиқармасдан қайтиб кетмаслиги лозим. Қишлоқдаги айрим партия ходимлари кўпинча бунга риоя қилмайдилар. Масалан, Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ А. Зиёев ва райком секретари А. Дрягин ўртоқлар колхозларга борганда партия ташкилотларининг секретарьлари ва инструкторлар блан гаплашиш ўрнига колхоз раислари блан сўзлашиб қайтавериш каби практикадан ҳали ҳам воз кечган эмаслар. Бу мутлақо нотўғри!

Бўка район партия комитетида камҳосилли, қолоқ колхозларни мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотларнинг ишчанлигини ошириш тўғрисида жуда кўп гапирадилар, мажлислар ўтказилади, қарорлар қабул қилинади. Лекин қолоқ колхозларни илғорлар қаторига олиб чиқиш учун амалий, конкрет иш қилинмайди. Масалан, Охунбобоев номли колхоз бошланғич партия ташкилоти жиддий ёрдам ва раҳбарликка муҳтож. Партком секретари ўртоқ Ризаев партийвий-сиёсий иш олиб бориш тажрибасига эга эмас. У кўп вақтини от миниб, дала айланиш блан ўтказади. Партийвий-ташкилий ва сиёсий-оммавий иш блан шуғулланмайди. Колхоз правлениесининг хўжалик фаолияти устидан контроль қилиш ўрнига, унинг ўзи колхоз раиси ёки правлениенинг хўжалик топшириқларини бажариб юради. Бироқ, район партия комитети ўртоқ Ризаевга иш ўргатмайди. Райком инструктори ўртоқ Бердиев бу колхозда кўп бўлади, лекин партия ташкилотининг активлигини ошириш, унинг ишлабчиқаришга раҳбарлигини кучайтириш блан конкрет шуғулланмасдан, фақат партия ташкилотига иш план тузиб бериш блан инструкторлик вазифасини «бажариб» кетади.

Қишлоқ партия ташкилотларининг ишини активлаштириш, уларнинг раҳбарлик ролини ошириш, ҳарбир коммунистнинг ишлабчиқаришда илғор, пешқадам бўлишига, ҳарбир ишда бошқаларга намуна бўлишига эришиш — ҳозирги вақтнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифасидир. Район партия комитетлари, МТС зонаси бўйича райком секретарьлари ва инструкторлар даставвал колхоз партия ташкилотларини мустаҳкамлашга, уларнинг ишчанлигини оширишга э'тибор беришлари лозим.

Партия ходимларининг, шу жумладан колхоз бошланғич партия ташкилотлари секретарьларининг мустақиллигини та'миллаш жуда муҳим вазифадир. Партия ходимининг хўжалик ходимларига, шу жумладан колхоз правлениесига қарам бўлиб қолиши жуда хавфлидир. Бу ҳолда партия ходими хўжалик соҳасига оид масалаларни об'ектив ҳал этаолмайди, контроль ва раҳбарлик функциясини бажараолмайди. Танқид ва ўз-ўзини танқид бўғилади, муросасозлик, зарарли ёнбосиш, камчиликларни кўз юмиш каби ярамас практика авж олади.

Областимизда ғўза парваришининг қониқарсиз бораётганлиги, чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ишларида катта нуқсон ва камчиликлар рўй бераётганлиги қишлоқ партия ташкилотларидан ўз иш фаолиятларини қарқачонгидан кўра кучайтиришни талаб этмоқда. Район партия комитетлари бошланғич ташкилотларга таяниб, колхоз партия ташкилотларининг раҳбарлик ролини кучайтиришлари, уларнинг ишига амалий ёрдам беришлари, танқид ва ўз-ўзини танқид воситаси блан хўжалик соҳасида бўлган камчиликларни юз хотир қилмай очиб ташлашга ва ҳар ишни ўз вақтида бажаришга эришишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш учун бизда бутун моддий-техника воситалари мавжуддир. Ишнинг муваффақияти бор техникадан унумли фойдаланишга, колхозчи ва механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни, ватанпарварлик ҳаракатини кучайтиришга, бутун чоралар блан ғўза парваришидаги қолоқликни тугатишга ва ҳамма экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун курашни кизитиб юборишга боғлиқ.

Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида тарбиявий ишни, оммавий-агитация ишларини кизитиш, социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, қишлоқ хўжалик ишларининг ўз вақтида бажарилишини та'миллаш — колхоз бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Район партия комитетлари ва уларнинг раҳбар ходимлари колхоз бошланғич партия ташкилотларини ҳартарафлама мустаҳкамлаш учун,уларнинг раҳбарлик ролини кучайтириш ва қишлоқ коммунистларининг ишлабчиқаришда авангардлигини та'миллаш учун тинмай, сабот блан ишлашлари керак.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ П. Г. МОСКАТОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ П. Г. Москатов туғилган кунга олтмиш йил тўлиши муносабати блан ва унинг Коммунистик партия ҳамда Совет давлати олдидаги хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Пётр Георгиевич **Москатов Ленин** ордени блан мукофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.**

Москва, Кремль,
1954 йил 14 июнь.

## ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 15 ИЮНЬГАЧА БЎЛГАН

### МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

| Районларнинг номи | Планнинг бажарилиши | Бир кунлик ўсиш | Районларнинг номи | Планнинг бажарилиши | Бир кунлик ўсиш |
|---|---|---|---|---|---|
| Бекобод | 99,5 | 1,4 | Калинин | 52,5 | 8,1 |
| Бўка | 95,0 | 2,5 | Верхне-волинск | 44,0 | 11,0 |
| Оққўрғон | 84,0 | 9,6 | Қорасув | 41,7 | 8,4 |
| Октябрь | 80,6 | 5,9 | Гулистон | 36,0 | 4,0 |
| Пискент | 78,2 | 4,3 | Юқоричирчиқ | 35,0 | 7,6 |
| Янгийўл | 71,8 | 9,7 | Оҳангарон | 27,3 | 6,4 |
| Ўртасарой | 69,9 | 6,5 | Тошкент | 22,5 | 5,6 |
| Чиноз | 68,5 | 3,7 | Оржоникидзе | 18,7 | 4,8 |
| Сирдар'ё | 62,0 | 9,9 | Қуйичирчиқ | 15,4 | 6,6 |
| Ўртачирчиқ | 57,9 | 10,0 | Ҳовос | 11,7 | 3,5 |
| Мирзачўл | 55,7 | 9,7 | Паркент | 3,4 | 1,5 |

# Янги заёмга ёзилиш катта муваффақият блан давом этмоқда

## УЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИНИНГ СЎЗИ

Республиканинг барча меҳнаткашлари каби Ўзбекистон олимлари ҳам СССР Министрлар Советининг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш янги Давлат заёмини чиқариш тўғрисидаги қарорини қизғин ма'қулладилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг институтларида кўпкишилик митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Илмий ходимлар Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига, коммунистик жамият қуриш ишига чексиз садоқатларини яна изҳор қилдилар.

Фанлар академиясининг Иншоотлар институтида бўлиб ўтган митингда старший илмий ходим, техника фанлари кандидати А. Муҳаммедов сўзга чиқди. У бундай деди:

— Совет кишилари давлат заёмларининг маблағлари нималарга сарф қилинишини яхши биладилар. Биз ҳаммамиз янги заёмга хурсандчилик блан ёзиламиз, чунки, ҳукуматимиз меҳнаткашлар томонидан давлатга қарз берилган маблағларни халқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантириш учун, саноат корхоналари, ўқув юртлари учун ажойиб бинолар, театрлар, санаториялар, маданият саройлари, уй-жойлар қуриш учун сарф қилажагини биламиз.

Техника фанлари кандидати Г. Ю. Горский сўз олади.

— СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси 1954 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади. Бюджет рақамларида партия ва ҳукуматнинг халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида узлуксиз қилаётган ғамхўрлиги ёрқин ифода этилган. Янги заём мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш бешйиллик планини, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш ишасидан белгиланган тадбирларни тезроқ амалга оширишга ёрдам беради.

Республика олимлари янги заёмга яқдиллик блан ёзилдилар. (ЎзТАГ).

## БИНОКОРЛАРНИНГ БИРДАМЛИГИ

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли 3-нчи ғишт ва черепица заводининг ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари Совет ҳукуматининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1954 йил Давлат заёмини чиқариш тўғрисидаги қарорини зўр кўтаринки руҳ блан кутиб олдилар. Шу муносабат блан барча сменаларда митинглар бўлиб ўтди.

Ғишт пишириш цехининг кекса ишчиси Каримота Шарипов сўзга чиқиб бундай деди:

— Коммунистик партия, Совет ҳукумати бизга доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Меҳнаткашлар турмуши йилдан йилга фаровонлашмоқда. Мен тинчлик учун, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун янги заёмга қувона-қувона ёзиламан.

Завод коллективи ишлабчиқаришда юксак муваффақиятларга эришиб, ярим йиллик планни муддатидан илгари бажарди. Плондан ташқари 12 миллион дона ғишт етказиб берди. Митингда сўзга чиққан, кунлик нормасини 200 процентга етказиб адо этиб келаётган Исломов, Меҳмонов, Шарипов ўртоқлар, йиғилганларни қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга, янада унумлироқ меҳнат қилишга чақирди.

Митингдан сўнг барча йиғилганлар Совет ҳукуматига, жонажон партиягa чексиз садоқат туйғуси блан Давлат заёмига ёзилабошладилар.

**Р. МУҲСИМОВА.**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҲИССАСИ

Областимиз Сирдар'ё районининг колхозчи ва механизаторлари ҳукуматнинг янги заём чиқариш тўғрисидаги қарорини ғоят баланд руҳ блан кутиб олдилар.

«Ҳақиқат» қишлоқ хўжалик артелида бўлиб ўтган йиғилишда бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сафар Холматов сўзга чиқди.

— Колхозчиларнинг меҳнати йил сайин енгиллашиб бормоқда,— деди у, — чунки давлат биринчи даражали машиналар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Янги заём колхоз ишлабчиқаришини янада механизациялашга, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришга ёрдам беради.

Сирдар'ё районидаги иккинчи МТС трактор бригадасининг бошлиғи Қудрат Содиков ўз сўзида бундай деди:

— Мен янги заёмга хурсандчилик блан ёзиламан. Биз давлатга қарз берадиган маблағлар мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун, Ватан қудратини мустаҳкамлаш учун сарф қилинади.

Районнинг ҳамма жойида заёмга ёзилиш аҳиллик ва уюшқоқлик блан ўтаётир.

## ЖОНАЖОН ДАВЛАТГА ҚАРЗ

Тошкентдаги «Автотрактородеталь» заводининг коллективи заёмга бирдамлик блан ёзилиб, совет давлати қудратини янада мустаҳкамлашга бўлган қизғин интилишини ифодалади.

Янги заём чиқарилишига бағишланган митингда токарь ўртоқ Н.Т. Богданов сўзга чиқиб бундай деди:

— Янги заём мамлакат халқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан белгиланган тадбирларни маблағ блан та'минлашга қаратилгандир. Мен ва ўртоқларим янги заёмга зўр шодлик блан ёзиламиз. Давлатга қарз берилган ўз маблағларимиз ва ишлабчиқаришдаги фидокорона меҳнатимиз блан биз колхоз ишлабчиқаришининг тез ривожланишига ёрдам берамиз.

Заводнинг ҳамма ишчи ва хизматчилари заёмга ёзилдилар. (ЎзТАГ).

## ТУРКМАНИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Туркманистон ССР пахтакорларининг Туркманистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Чориев бошчилигидаги ўзаро текшириш бригадаси Ўзбекистонга келди. Бригада составида: Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари ўртоқ Бобоева, Геоктепа районидаги «Большевик» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Байрамдурдиев, Керки районидаги Маленков номли колхознинг раиси ўртоқ Сафаров, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси ўртоқ Рабочев, Туркманистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг бош агрономи ўртоқ Шиханович, Марий область партия комитетининг секретари ўртоқ Атаев, Тошовуз область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Улметова ва бошқалар бор.

Ўзаро текшириш бригадасининг а'золари группаларга бўлиниб, Тошкент, Бухоро ва Хоразм областьларининг колхозларига жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

## ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Бекобод районидаги **Будённий** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Ҳолиқулов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Зиянов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Қурбонов**).

Бекобод районидаги **Маленков** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Отабоев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Абдуллаев**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Ҳамзаев**).

Бўка районидаги **Молотов** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Имонов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Маматов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Қурбонов**).

Ўртачирчиқ районидаги **Энгельс** номли колхоз (колхоз раиси ўртоқ **Шегай**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Тей**).

# Поездлар қатновининг ёзги графиги

15 июньдан 16 июньга ўтар кечаси мамлакатнинг темир йўлларида поездлар қатновининг ёзги графиги жорий қилинади. Йўллар министрлиги Пассажир Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Козак ТАСС мухбири блан суҳбатда қўйидагиларни айтди:

— Янги ёзги жадвал пассажирлар ташишнинг янада кўпайтирилишини кўзда тутиб тузилган. Станцияларда тўхтаб туриш вақтини қисқартириш ҳисобига поездлар қатновининг тезлиги анча оширилади. Москвадан Ашхабодга ва Ашхабоддан Москвага борганда пассажирлар илгаридагига қараганда 12 соат камроқ вақт, Москвадан Киевга ва Киевдан Москвага бир галда 3,5 соат камроқ вақт, Москвадан Кишиневга ва Кишиневдан Москвага борганда 5,5 соат камроқ вақт йўлда бўладилар ва ҳоказо. Курортларга хизмат кўрсатадиган магистральларда поездлар қатнови кучайтирилади, республикалар, областьлар ўртасида транспорт алоқалари кенгайтирилади.

Узоқ масофага қатнайдиган, маҳаллий ва шаҳаратрофларида қатнайдиган поездларнинг сони 1953 йил ёз давридагига нисбатан анча кўпайтирилади. Москвадан Красноярскка, Иркутскка, Владивостокка, Мурманскка, Свердловскка, Симферопольга, Сухумига, Сочига, Саратовга, Новороссийскка ва Киевга янги поездлар қатнай бошлайди. Ленинграддан Сочига, Мурманскка, Рибинскка ва бошқа шаҳарларга қатнайдиган поездлар кўпайтирилади. Бу йил Ленинград блан Севастополь ўртасида бевосита қатнайдиган поезд юрабошлайди. Пассажирларга қулайлик туғдириш учун Москва—Запорожье поездининг рейси Бердянскка, Ростов—Махачқала поездининг рейси Бокугача, Москва—Узловая поездининг рейси Грязигача етказилди ва ҳоказо. Пассажир поездларининг қарийб ярмиси цельнометалл вагонлардан иборат бўлади. Бу эса ўтган йилдагидан анча кўпроқдир.

Пересадкасиз қатнов кенгайтирилади. Ленинград—Евпатория, Батуми—Цхалтубо—Тбилиси, Таллин—Сочи—Кисловодск, Львов—Симферополь, Брянск—Сочи, Москва—Ейск ўртасида пересадкасиз қатнаб турадиган вагонлар биринчи марта юра бошлайди.

Ёзги жадвалда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштираётган ёш ватанпарварларнинг талаблари айниқса ҳисобга олинган. Москвани Олтой, Ўрта Осиё ва Қазоғистон блан боғлайдиган қўшимча поездлар қатнаб туради.

Шаҳаратрофи поездларининг қатнови анча кенгайтирилади. Шаҳаратрофи поездларининг сони суткасига 69 жуфт кўпайтирилади. Москва, Ленинград, Киев, Ростов ва бирқанча бошқа темирйўл узелларида поездлар қатнови айниқса кучайтирилади. Пойтахт узели йўлларида 28 жуфт кўпроқ поезд қатнаб туради. Москва—Киев ва Октябрь магистральларида электропоездларнинг составлари 6 та вагондан 9 та вагонга Москва—Рязан йўлида 9 та вагондан 10 тагача етказилади. Эрталабки соатларда Москвага 1953 йилги графикда белгиланган 14 та кўпроқ поезд келиб туради. Кечки соатларда (соат 17 дан 21 гача) илгаригига қараганда 22 та кўпроқ поезд жўнаб туради.

Ёз даврида кўп миқдорда қўшимча билет кассалари очилади. Сафар вақтида узел станцияларида пересадка қилишлари керак бўлган кўпгина транзит пассажирлар ўз билетларини бевосита поездларнинг ўзида расмийлаштираоладилар.

12 та станцияда—Сталинград, Мурманск, Знаменск ва бошқа станцияларда бу йил янги вокзаллар ишга туширилади. Пассажирлар биноларини обод қилиш, ремонт қилиш ва қуриш учун бу йил 300 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади.

Юк поездлари қатновининг ёзги графигида умумтормоқ жадвалига киритилган «кўк» поездлар, я'ни тўппа-тўғри борадиган поездларнинг киритилиши кўзда тутилади. Бу поездлар қайтадан тузилмасдан энг муҳим юкларни мунтазам суратда ташиб туриши лозим. Бу поездлар қаркуни айни бир вақтда жўнатилади ва тузиб жўнатилган станциясидан охири манзилгача жадвалга қатиқ риоя қилгани ҳолда қатнайди. «Кўк» поездлар бир ме'ёрда ишлашга ёрдам беради, локомотив ва поезд бригадалари учун қулай шароит яратиб беради, кўп юкташучи машинистлар ҳаракатини ҳартомонлама кучайтиришга хизмат этади. Ёзги графикда умумтормоқ жадвалидаги поездларнинг сони қарийб 35 процентга етади. Бу поездларнинг энг кўпи Донецк, Приволжье ва Урало—Сибирь томонларидаги магистральларда киритилади. Юк поездларининг ёзги жадвалида поездларнинг қатнов тезлигини ошириш, йўлларнинг поездларни ўтказиш қобилиятини ошириш, вагонларнинг оборотини тезлатиш ҳам кўзда тутилади.

(ТАСС).

# Тўқимачилик комбинатининг рассомлари

Ёш коммунист Софья Иосифовна Чеховскаяни Москвага чақирганларида унга Тошкентдаги Сталин номли тўқимачилик комбинатига ишга боришга маслаҳат бердилар. У қувониб бунга рози бўлди.

— Сиз ҳали ёшсиз, лекин сизда ҳозирданоқ анчагина тажриба бор, — дейишди унга Министрликда, — Тошкент тўқимачилик комбинатининг рассомчилик мастерскойида анчагина камчиликлар бор. Камчиликларни тузатишга ҳаракат қилинг, ёрдам беринг.

Чеховскаяга мамлакатимизнинг йирик бир тўқимачилик комбинати тўғрисида анчагина қизиқ нарсаларни айтиб беришди ва у хурсанд бўлиб, катта умидлар блан Тошкентга келди...

Рассом бирнеча йил катта Иваново мануфактурасида ишлади. У кийимлик ва рўмолларга чиройли гуллар солди, бу гуллар неча минг метрлаб чит, сатин, маиларга туширилди. Чеховская газламага гуллар солишда образли, халқ ижодига яқин формаларни топишга ҳаракат қилди. Унинг ижод этган расмлари олдий кўчирмачилик эмас эди.

Чеховская Тошкент тўқимачилик комбинатига келгандан сўнг рассомчилик мастерскойи ва Николай Михайлович Поповнинг ишлари блан танишди. Попов рассомликда анча тажрибага эга бўлишига қарамай доим газламалар гулини босмахонада босилган открткаларда кўчириб оларди. Чеховская бу методнинг яхши эмаслиги ҳақида ўйлайбошлади. Чунки, бу метод оригинал ижодий ташаббусни бўғар, рассомчилик мастерскойининг ишилари эса ўз ишларида ижодий меваларини кўрсатаолмас эдилар. Чеховская мастерскойдаги ишлар блан яхши танишиб олгач, ёш рассомлар коллективининг ишига диққат қилабошлади. Бир куни у:

— Сиз бирон марта бўлса ҳам ўз ижодий фикрингизни қоғозда ифодалаб кўрмадингизми? — деб сўради ёш рассом Лидия Масленниковадан.

Унинг бу саволи рассомларни кўп нарсаларни ўйлашга мажбур қилди. Шу хилда аста-секин аҳвол блан танишиш Чеховскаянинг кўп нарсаларни билиб олишига ёрдам берди. 1951 йилда Лидия Масленникова енгил газламалар-маялар учун ўзича оригинал нусха ўйлаб топди. Лекин бу ташаббусга Попов бирнеча бор қаршилик кўрсатди. Лидия ўзи ўйлаб топган ижодий иши-гулидан воз кечмади. Диққат ва чидам блан ишлаш натижасида гул расми рассомлар советига тақдим қилса арзийдиган ижодий ишга айланди. Гул газламага туширилди. Масленникова ва унинг касбдош дугоналари бир парча маяга туширилган янги гул расмини кўриб, жуда қувониб кетишди.

— Демак бизнинг қизлар ҳақиқий ижод сари интилмоқдалар, — хаёлидан ўтказди Чеховская, — фақат, буларга ишлаш учун қулай шароит яратиб бериш керак.

Коллектив ташаббуси блан тўқимачилар маданият Саройида тасвирий сан'ат студияси ташкил қилинди. Бу ер ҳозир рассомларнинг ҳақиқий ижодий лабораториясига айланиб қолган. Рассомлар бу лабораторияда тўқиладиган сатин, чит, мая, штапель газламалар учун оригинал расм эскизларини чизиб, ўз мутахассисликларини оширмоқдалар. Студияда Совет Ўзбекистонида ўсадиган кўплаб ҳархил гулларнинг расмларини кўриш мумкин. Гуллар олдин қоғозга туширилиб, секин аста бўлажак расмнинг эскизига айланаборади, сўнг бу гуллар эскизига ранг берилгач шундай товланиб кетадики, кўрсангиз худди табиатдаги ҳақиқий гулнинг ўзи дейсиз.

Халқ рассомчилик ижоди ёшларнинг ижодий об'ектидир, бу манба' уларни янги-янги ижодий муваффақиятларга илҳомлантиради. Миллий халқ каштаси, орнаментлар рассомчилик мастерскойи коллективининг диққатини доимо ўзига тортади. Комбинат рассомлари Москва, Ленинград, Болтиқбўйи республикалари ва Ўзбекистоннинг турли областларига ижодий командировкаларга бориб, халқ тасвирий сан'атининг қадимги намуналари блан танишиб келмоқдалар. Улар ўтган асрларда тўқилган кўп рангли газламалар: дастурхон, кўйлак, духоба ва бошқа тасвирий материалларни диққат блан ўрганадилар. Рассомлар ўзларининг эстетик даражаларини тинмай ошириб, халқ дидига мос расмлар яратмоқдалар.

Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, ҳарқандай уста рассом ҳам янги нарса яратаётганида анчагина меҳнат сарф қилиши керак. Шундай кунлар ҳам бўладики, бошлаб қўйилган расмга янги ранг текканэлмайди. Шундай пайтларда кишига хеч иш чиқариб бўлмайдиганга ухшаб туйилади. Ана шундай пайтларда дарҳол унга аҳил коллектив ёрдамга келиши керак.

— Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта, ҳарбир расмни шундай қилиб ишлаш керакки, унинг ғўзаллиги ва рангларининг товланишини кўриб ҳаридор қувонсин, — деди бир куни рассомларга чит босучи фабрика ҳузуридаги рассомчилик мастерскойининг раҳбари С. И. Чехорская.— Биз бу мақсадга эришиш учун ўзимизнинг куч ва меҳнатимизни аямаймиз. Энг яхши, моҳирлик блан ишланган расм ҳам печать машинасидан чиққанида ўзининг хилма-хил рангини тўла сақлаб қолмайди. Автор томонидан яратилган расм қоғоздан газламага туширилганда ,иккинчи тусга киради, ўзгариб кетади. Ана шунинг учун ҳам ишлаш, рангларни тўғри танлаш даврида расм қоғозда қандай бўлса, газламада ҳам шундай бўлишига эришадиган уста колористнинг ижодий меҳнати талаб қилинади.

Унинг сўзларини дўстлари қунт блан тингладилар. Шу куни кечқурун Софья Иосифовна партия ва ҳукуматимизнинг яқин кунларда чиқарилган қарорларини эслади. Бу қарорларнинг ҳаммаси бир мақсадга: мамлакатда мўл-кўлчиликка эришиш, аҳолининг моддий ва маданий турмушини юқори даражага кўтариш каби олижаноб ишга йўналтирилган. Комбинатдаги ҳарбир киши ана шу улуғ ишга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади, интилади. Агар колористни бўлиши ишимизга фойдали экан, уни албатта беришади.

Бирқанча вақт ўтгандан сўнг Чеховская комбинат раҳбарлари блан бирга Москвага — тўқимачилик корхоналарининг кенгашига борди. Яна ерда колорист ҳақидаги масала ҳам ҳал бўлди.

Ранг пиширишнинг собиқ бошлиғи Надежда Петровна Черникова ҳозир колорист бўлиб ишламоқда. Унда ҳали етарли тажриба бўлмасада, колорист учун зарур бўлган хислатлар — бадиийликка интилиш, янги ишга муҳаббат бор. Черникова рассомлар блан ҳамкорликда ишлаб, кўп ўтмай бирнеча яхши расмларни газламага туширди. Энди чит босучи фабрика қошидаги рассомларнинг ишлари катта муваффақият қозонмоқда. Модалар ўйи фабрика рассомларига болалар қўйлаги ва кастюмлари учун расмлар заказ қилди. Ўзининг жонлилиги блан болалар фантазиясини акс этдирадиган чиройли расмлар яратишда коллектив катта ижодий куч сарф қилди. Рассомлардан: И. Гартман, М. Арслонов, И. Бойко, Е. Лугачев, С. Йўлдошев ва бошқа ўртоқлар заказни бажаришда яхши ишладилар. Ўз олдиларига қўйилган вазифани а'ло бажардилар. Мастерскойнинг аҳил, ижодкор коллективи халқимизнинг дидига ёқадиган, талабига жавоб берэоладиган янги-янги расмлар яратишга интилмоқда.

**Е. ОВРУТСКИЙ.**

# ВЦСПСнинг иши тўғрисидаги ҳисобот доклади юзасидан СССР касаба союзлари XI с'ездининг қарори

СССР касаба союзлари XI с'ези ВЦСПС нинг иши тўғрисидаги ҳисобот докладини эшитиб ва муҳокама этиб қарор қилади: Бутун Иттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг ҳисобот давридаги иши ма'қуллансин.

X с'езддан кейин ўтган йиллар ичида СССР касаба союзлари Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида кенг ишчилар ва меҳнаткашлар оммасини халқ хўжалиқ планларини тўла ва ошириб бажариш учун, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан мамлакат олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишни ҳамма участкаларида маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун курашга сафарбар қилиш вазифасини юклайди. Меҳнат унумининг ошуви корхоналарнинг ишидаги барча иқтисодий кўрсаткичларни юқори кўтаришини, мамлакатнинг техника жиҳатдан тараққий этишининг ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини тўхтовсиз кўтаришнинг асоси бўлганлигини эсда тутиб, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумини систематик суратда ошириш ишига алоҳида э'тибор бериш керак.

Касаба союзлари меҳнатни ва ишлабчиқаришни яхши уюштиришга, ишлабчиқариш процессларини янада кўпроқ механизациялашга, машина ва ускуналардан тўғри ва самарали фойдаланишга эришмоқ учун астойдил курашмоқлари лозим. Илғорларнинг тажрибасини кенг ёйиш, ишлаб чиқариш новаторларини, ихтиро'чиларни ва рационализаторларни ҳартарафлама қўллаб-қувватлаш, ишчиларнинг ишлабчиқариш ўқишига, уларнинг малакасини оширишга э'тиборни кучайтириш зарур.

Умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш, ҳамма ишчиларни мусобақага жалб қилиш, мусобақа қатнашчиларининг қимматли ташаббусларини чинакам қўллаб-қувватлаш — касаба союзларининг энг муҳим вазифасидир. Касаба союзлари илғорларинг сафларини кўпайтиришлари, орқада қолаётганларнинг илғорлар даражасига етиб олишларига ёрдам беришлари ва шу асосда узлуксиз суратда ялпи юксалишга эришишлари, социалистик мусобақа каби жонли ва ижодий ишда формализмни ва бюрократларча бузишларни қат'иян битиришлари лозим.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш соҳасида Партия ва Ҳукумат томонидан қўйилган вазифа касаба союзларининг энг биринчи ишидир. С'езд ВЦСПС га, касаба союз ташкилотларига барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ошириш, жамоат чорвачилигини янада юксалтириш учун, тракторлардан, комбайнлардан ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан жуда самарали фойдаланиш учун МТС ва совхоз ходимларининг мусобақасини кенг миқ'ёсда ривожлантириш вазифасини юклайди. Саноат корхоналаридаги касаба союз ташкилотлари машина трактор станцияларига, совхозларга ва колхозларга оталик ёрдами кўрсатиш ишида активроқ қатнашишлари, қишлоқ хўжалиги заказаларининг саноатда бажарилиши устидан кучли жамоат контролини кучайтиришлари лозим.

Ишлаб чиқариш кенгашлари ишчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг ва хизматчиларнинг кенг оммасини ишлаб чиқаришни бошқаришда ва меҳнатни яхши уюштиришда актив қатнаштиришнинг муҳим формасидир. Касаба союз ташкилотлари давлат планларини бажариш ва ҳарбир корхонанинг ишида энг яхши иқтисодий натижаларга эришиш учун курашда ишлабчиқариш кенгашларининг ролини кўтаришлари лозим.

С'езд ВЦСПС ва касаба союзлари Марказий комитетлари меҳнатни нормалаштириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари блан қониқарсиз шуғулланаётганликларини та'кидлаб ўтади ва бу муҳим ишда зарур тартиб ўрнатиш вазифасини юклайди. Касаба союз ташкилотлари ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини планлаштиришда ва тартибга солишда янада кўпроқ қатнашишлари, корхоналарда, МТС ва совхозларда иш ҳақи тўлашда меҳнат унумини оширишга рағбатлантирадиган системаларнинг жорий этилишига эришишлари, ишлаб чиқаришда техникани нормалаштиришни жорий этиш ва мукаммаллаштириш тадбирларини амалга оширишлари, меҳнатни ҳисобга олиш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашда ишбай ва прогрессив — мукофот системасининг жорий қилиниши устидан контрольни кучайтиришлари лозим.

Коллектив шартномалар давлат планларини бажариш, меҳнат шароитини янада кўпроқ соғломлаштириш, ишчиларга ва хизматчиларга моддий-маиший ва маданий хизмат қилишни яхшилаш учун курашда катта уюштирувчи кучдир. Касаба союз ташкилотлари коллектив шартномаларнинг аҳаминтини кўтаришлари, договорда олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида ва сўзсиз амалга оширилиши юзасидан хўжалик ва касаба союз раҳбарларининг биргаликда жавобгар бўлишларини кучайтиришлари, коллектив шартномаларнинг бажарилишини контроль қилишга касаба союз активини кенг жалб қилишлари лозим.

II.

Совет кишиларининг моддий фаровонлигини ва маданий даражасини ошириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш касаба союзларининг муқаддас вазифасидир. Касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг ихтиёжларига парвосиз ва э'тиборсиз муносабатда бўлиш кўринишларига қарши чинакам қат'ий кураш олиб боришлари, ишчиларнинг ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга эришмоқлари, давлат ва хўжалик муассасаларида, касаба союз ташкилотларида аппаратнинг ишини ҳартарафлама мустаҳкамлашга ва яхшилашга эришмоқлари, бу аппаратнинг ҳамма бўгинларида бюрократизмни тиш соҳасида шаҳарлардаги корхоналар ва муассасалар коллективларининг ташаббусини бутун чоралар блан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш зарур.

IV.

Партия ва Ҳукумат томонидан касаба союзлари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун юқоридан то пастгача касаба союзларнинг бутун фаолияти даражасини қат'иян ошириш зарур.

С'езд та'кидлаб ўтадики, ВЦСПСнинг, касаба союзлари марказий, республика, ўлка, область комитетлари ва советларининг иш практикасида бюрократларча зарарли услуб кенг ёйилган. Касаба союз комитетларининг кўпгина ходимлари ўзларининг бутун кучларини омма орасида жонли, ташкилотчилик ишларини олиб боришга қаратиш ўрнига, кўп вақтларини мажлисбозликка, кераксиз ма'лумотлар тўплашга, справкалар, ҳисоботлар, докладномалар тузишга сарф қилмоқдалар. Раҳбарликдаги канцеляриячилик — бюрократик методларини қаттиқ туриб ва қат'ият блан йўқотиш, касаба союз ташкилотларининг омма блан алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг активлигини, ташаббускорлигини ва ишчанлигини бутун чоралар блан ривожлантириш керак.

С'езд барча касаба союз ташкилотларидан касаба союз демократияси ва коллектив бўлиб раҳбарлиқ қилиш принципларига қат'ий равишда риоя қилишни, касаба союз органларининг ҳисоботлари ва йиғилишларини мунтазам равишда ўтказиб туришни, ишчилар ва хизматчилар умумий йиғилишларининг аҳаминтини кўтаришни, актив блан олиб бориладиган ишларни систематик равишда яхшилашни талаб этади. Ўзўзини танқидни ва айниқса қўйидан бўладиган танқидни кенг авж олдириш, барча касаба союз органларининг ишларидаги камчиликларни дадиллик блан очиб ташлаш ва йўқотиш зарур.

С'езд ВЦСПС га, касаба союзларининг марказий, республика, область комитетларига ва советларига касаба союз кадрларини танлаш ва тарбиялашни яхшилаш вазифасини топширади. Касаба союзларининг раҳбарлик ишларига ишни яхши биладиган, яхши ташкилотчи бўлган, оммаанинг талабларига сезгир ва қулоқ соладиган, партия сиёсатини амалда турмушга ошираоладиган кишиларни кўтариш керак.

V.

СССР касаба союзлари ҳисобот даври ичида жаҳон ишчилар ва касаба союз ҳаракатининг жанговар бирлигини мустаҳкамлаш, бутун дун'ёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш йўлида олиб бораётган ишларини кучайтирдилар. СССР касаба союзларининг чет мамлакатлардаги касаба союзлар блан дўстона алоқалари кенгайди ва мустаҳкамланди. Совет касаба союзлари Жаҳон касаба союзлари Федерациясидаги ва унинг халқаро бирлашмаларидаги ўз рольларини активлаштирдилар.

С'езд ВЦСПС га ва касаба союзларининг марказий комитетларига бундан буён ҳам Жаҳон касаба союзлари Федерациясининг ишларида актив иштирок қилиш, Хитой Халқ Республикасининг, халқ демократияси мамлакатларининг касаба союзлари блан қардошларча дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, СССР касаба союзларининг ва ишчиларининг капиталистик ва мустамлака мамлакатларидаги касаба союз ташкилотлари блан алоқаларини ривожлантириш вазифасини юклайди.

Пролетар интернационализмининг улуғ байроғига содиқ бўлган совет касаба союзлари тинчлик учун, демократия учун, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш учун, бутун инсониятнинг яхши келажаги учун курашда барча мамлакатлардаги ишчилар синфининг бирлигини ва уюшқоқлигини доимо мустаҳкамлашни ўзларининг муқаддас вазифалари деб биладилар.

* * *

Совет касаба союзлари ўз ишларини яхшилаб ва мукаммаллаштириб, давлат, хўжалик ва маданий қурилишдаги ўз рольларини янада юқори кўтарадилар, миллион-миллион ишчиларни ва хизматчиларни улуғ Коммунистик партия тевараги да янада зичроқ қилиб жипслаштирадилар.

XI с'езд Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини ишонтириб айтадики, СССР касаба союзлари мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашда бундан буён ҳам Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчилари бўладилар.

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг социалистик мусобақа илғорлари **Мастура Мирзабоева** (олдинги қаторда) ва **Г. Воронцова** ўртоқлар кунлик нормаларини 150 процентдан ошириб бажармоқдалар. **Суратда: М. Мирзабоева** ва **Г. Воронцовалар** иш устида.

**И. Глауберзон** фотоси.

# Бўка районида

### ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН МОЛХОНА

Вильямс номли колхознинг қорамолчилик фермаси йил сайин ўсмоқда. Унинг маҳсулоти кўпаймоқда. Колхозда бу йил соғин сигирларни бир ерда — оғилхонада боқиш йўлга қўйилди. Бунинг учун янги типда 70 бош мол сиғадиган бино қурилди. Янги бино қайта ускуналаниб, электрлаштирилмоқда. Энди моллани озиқлантириш, суғориш ва сигир соғиш ишлари электр қуввати блан бажарилади.

### АДИРЛАРДА МЕВАЗОР БОҒЛАР

Қорақўйли қишлоқ советидаги Усмон Юсупов номли колхозда олмазор, узумзор, ўрикзор боғлар йил сайин кенгаймоқда. Икки колхоз бирлашган йили 8 гектар олмазор боғ бор эди. Кейнги йиллар ичида узумзор, ўрикзор ва олмазор боғлар 81,5 гектарга кенгайди. Бу йил янгидан 10 гектар ерга олма-ўрик кўчати ўтказилди. Қир ерларда барпо қилинган янги мевазор боғларда мўл ҳосил етишаётир.

### КИТОБ БОЗОРИ

«Узкнижторг»нинг Бўка районидаги бўлими китоб савдоси ойлигини ўтказишга яхши тайёрланди. Район марказида аҳоли кўп ўтпланадиган жойларда китоб савдоси ташкил қилинди. Колхозчилар, ўқучилар, агрономлар ва бошқа ходимлар кўплаб янги китоблар сотиб олмоқдалар. Қишлоқ хўжалигига доир адабиётлар ва бадиий китобларга талаб кўп.

«Узкнижторг»нинг ходимлари колхозларда, МТСларда ва дала шийпонларида ҳам китоб савдосини ташкил қилмоқдалар.

### КИНО-ТЕАТР УЧУН ЯНГИ БИНО

Район марказидаги ёзги кино-театр биноси қайта қурилди. Бинонинг ёзги залидан бошқа тамошабинларга хизмат кўрсатиш учун алоҳида ўқишхона очилади. Совуқ ичимликлар блан савдо қиладиган махсус павильонлар бўлади.

### ПАХТАКОРЛАРГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Янгийўл шаҳридаги область музика драм театрининг концерт бригадаси Бўка районидаги колхозларда бўлиб, пахтакорларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Районнинг Вильямс номли, «Ленинобод» колхозларида бўлган концертда гўза парваришининг илғорларига атаб янги нормалар берилди, қолоқлар танқид остига олинди. Тамошабинлар республикада хизмат кўрсатган артист Абдуллажон Охунов ва солистка Маликахон Охунова, С. Мусоева ўртоқларнинг ашула-лапарларидан, солистка Раяхоннинг украинча ўйинларидан мамнун бўлдилар.

### АГИТМАШИНА КОЛХОЗ БРИГАДА ШИЙПОНЛАРИДА

Область маданият уйининг агитмашинаси райондаги колхоз ва МТСларда бўлиб, механизатор ва пахтакорлар орасида оммавий-оқартув ишларини олиб борди. Агитмашина бўлган жойларда кинофильмлар кўрсатилди, китоб савдоси уюштирилди. Медицина ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатдилар.

**Т. ОРИПОВ,**

(«Тошкент ҳақиқати» мухбири).

## Қисқа сатрларда

Қуйичирчиқ районидаги заём эгалари кўплаб ютуқ олмоқдалар. Район омонат кассалари томонидан ўтган беш ой ичида меҳнаткашларга 500 минг сўмдан ортиқ ютуқ пули тўланди. Заём эгаларидан икки киши 10 минг сўм, уч киши 5 минг сўмдан ютуқ пули олди.

**Қ. Паршеев.**

* * *

Чирчиқ шаҳар пойафзал фабрикаси лабораториясининг бошлиғи ўртоқ Водиницкий аёллар ва болалар учун 8 хил туфли моделини тайёрлади. Республика Кенг иste'мол саноати моллари министрлигининг бадиий совети бу моделларни ма'қуллади. Яқинда ана шу модельлар асосида янги туфлилар ишлаб чиқарилади.

**А. Абдураззоқов.**

* * *

Область маданият уйида тикув-бичув тўгараги ишлайди. Яқинда бу тўгаракка 28 хотин-қиз битириб чиқди. Маданият уйи тўгарак а'золари тиккан энг яхши кийим-кечаклардан катта виставка ташкил қилади.

**Я. Толстаног.**

* * *

Чиноз район, Яллама қишлоқ советидаги «XIX партия с'езди» колхозида радиоузел қурилиб, 350 колхозчининг уйига радио карнайлари ўрнатилди. Бундан ташқари колхозда туғруқхона, ўн йиллик мактаб ва иккита молхона бинолари қурилмоқда. Мактаб қурилиши янги ўқув йилигача тугалланади.

**М. Миркомилов.**

# Тошкент шаҳар советининг сессияси

14 июньда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия Тошкент шаҳрининг 1954 йилги Давлат бюджети ва 1953 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисида шаҳар молия бўлимининг мудири ўртоқ А. Назировнинг докладини эшитди ва муҳокама қилди.

Докладчи ва музокарага чиққан депутатлар бу йил шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш учун олиб борилаётган ишларнинг ҳажми анча кенгайтирилганлигини та'кидлаб ўтдилар.

Тошкент шаҳрининг бу йилги бюджети ўтган йилгига нисбатан 13 процент оширилади. Бюджет маблағларининг асосий қисми маданий тадбирлар учун — халқ маорифи, физкультура ва спортни ривожлантириш ва маданий—оқартув муассасалари учун сарфланади. Бу соҳаларга сарф қилинадиган маблағ ўтган йилгига нисбатан 40 миллион сўм кўпаяди.

Янги мактаб бинолари, даволаш муассасалари қуриш, мактаб, касалхона, поликлиникаларнинг моддий ва техника базаларини мустаҳкамлаш тадбирлари белгиланди. Болалар боғчалари ва майдончалари кўпайтирилади.

1954 йилги бюджетда коммунал хўжаликни ривожлантиришга, кўчаларни кўкламзорлаштиришга, уй-жой биноларини капитал ремонт қилишга катта маблағ ажратилди. Идоралар ва шаҳар бюджети ҳисобидан шаҳарда янги уй-жой бинолари қуриш ишлари кенгайтирилади. Бу йил 63 минг квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилиши керак.

1954 йилда шаҳар транспортини — трамвай, троллейбус ва автобус ҳаракатини яхшилаш юзасидан бирқанча тадбирлар амалга оширилади.

Депутатлар Тошкент шаҳрининг 1954 йилги бюджети Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг меҳнаткашлар фаровонлигини янада ошириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг яққол ифодаси эканлигини та'кидлаб кўрсатдилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан депутатлар 1953 йилги бюджетнинг бажарилишини муфассал таҳлил қилдилар. Бирқанча корхоналар ва ташкилотлар бюджетда кўрсатилган маблағни етказиб бермадилар. Жумладан трамвай-троллейбус трести бюджетда белгиланганига қараганда 1 миллион сўм кам маблағ берди.

Сессияда маҳаллий ва ёқилғи саноатининг шаҳар бошқармаси ва ҳунармандчилик кооперацияларининг корхоналари қаттиқ танқид қилинди. Шаҳардаги 11 райпромкомбинатлардан фақат биттасигина маҳсулот чиқариш планини бажарган. Пойафзал, кийим-кечак ва хўжалик асбобларини ремонт қилучи мастерскойлар етарли эмас. Шаҳардаги саноат артельларининг учдан бир қисми ялпи маҳсулот чиқариш бўйича планни бажармаётир. Маҳаллий саноат ва кооператив корхоналари маҳсулотнинг сифатига етарли э'тибор бермаётирлар.

Сессияда шаҳар ва район ижроия комитетларининг қониқарсиз раҳбарлик қилишлари натижасида бюджет маблағларининг кўп қисми фойдаланилмай қолганлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, шаҳар ободончилиги учун ажратилган маблағдан 1 миллион 250 минг сўми, коммунал хўжалиги учун ажратилган маблағдан 550 минг сўми фойдаланилмай қолиб кетган. Уй-жой ремонти ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Доимий молия-бюджет комиссиясининг раиси ўртоқ Новиков молия органларининг ҳали ҳам ўз вазифаларини қониқарли бажармаётганликларини кўрсатиб ўтди.

Депутат ўртоқ Вострокнутова маҳаллий саноат ва қурилиш материаллари саноати корхоналарида фойдаланилмай ётган резервлар ҳақида гапирди.

Куйбишев район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳимов жойлардан келган талабларга шаҳар ижроия комитети ва унинг бўлимлари ўз вақтида жавоб бермаётганликлари ва район ижроия комитетлари томонидан қўйилган масалаларни оператив тарзда ҳал қилмаётганликлари ҳақида фактлар келтирди.

Сессияда Фрунзе район ижроия комитетининг раиси Туркова, Ленин район ижроия комитетининг раиси Юсупова, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Шомирзаев ўртоқлар сўзладилар.

Сессия Тошкент шаҳрининг 1954 йилги бюджетини тасдиқлади ва 1953 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисида қарор қабул қилди. Сессия Тошкент шаҳрининг 1954 йилги Давлат бюджетини даромадлар бўйича 351 миллион 362 минг сўм ва харажатлар бўйича 347 миллион 485 минг сўм миқдорида тасдиқлади.

*Т Е А Т Р*

# „Қуёш ўлкасида“

Яқинда пойтахтимиз пионер ва ўқучилари Охунбобоев номли ёш тамошабинлар театри саҳнасида ёш драматург Ш. Тамкиннинг «Қуёш ўлкасида» пьесасини кўрдилар.

Бу пьесанинг саҳнага қўйилиши ўзбек совет драматургиясининг ҳаётида кўзга кўринарли воқеа бўлди. У ўзининг ғоявий йўналиши блан СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг кўрсатма ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳақидаги қарорига муносиб жавоб бўлаолади.

Пьесанинг асосида янги куч ғояси ётади. Драматург Коммунистик партия раҳбарлигида янги ерлар очиш учун, пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашаётган ва бу йўлдан дадил ишонч блан бораётган социалистик қишлоқ кишилари — колхозчи ёшлар образини яратишга интилади. Шу блан бир қаторда у, ҳалол меҳнат қилучи, лекин ҳали онгида эскилик сарқитлари сақланиб қолган айрим кишиларнинг коллектив ҳаёт та'сири остида тарбияланиб бориш процессларини ҳам ифодалашга ҳаракат қилади.

Пьесада ҳақиқий, инсоний характерга эга бўлган жонли образлар яратилган. Комсомол а'золаридан Эркин ва Саодат, Тўхта, Улкан ота, Шакар хола каби образлар шулар жумладандир.

Пьеса илғор совет кишилари — колхозчилар блан жамият тараққиётининг тез ривожланишига ҳалақит беручи дангаса ва қолоқ кишилар ўртасидаги қарама-қаршилик асосига қурилган.

Пьесада ижнлик ва эскилик ўртасидаги қарама-қаршилик ҳаракатчан, тажрибали пахтакор, лекин ўтакетган эгоист, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўючи бригадир Қодир, шунингдек меҳнатсевар, аммо ҳамиша иккиланиб юручи, ўжар кампир—Шакар ҳолалар блан жасур комсомол, новатор Эркин орасидаги тўқнашувлар орқали ифода қилинади. Эркин ўзининг замон ўзбек ёшлари каби Мирзачўлни обод қилиш, уни гуллаган водита айлантириш орзуси блан яшайди. У, ўз туғилган колхози ва уйини ташлаб юзларча комсомоллар сафида Мирзачўлга кетмоқчи бўлади. Эркининг тоғаси Қодир ва бувиси Шакар ҳолалар Мирзачўлда ишлаш ва уни гулистонга айлантириш умумхалқ аҳамиятига эга эканлигини яхши билсалар ҳам, лекин улар колхознинг илғор звено бошлиғи бўлгани учун Эркинни олиб қолмоқчи ва унинг ўрнига бошқа кишини юбормоқчи бўладилар. Ўзларининг тор, шахсий манфаатларини жамият манфаатидан устун қўядилар, Эркиннинг Мирзачўлга кетиши учун қаршилик кўрсатадилар.

Лекин, Эркиннинг бу олижаноб ташаббусини колхоз раиси Мирзажонов, райком комсомол секретари Ботировлар қўллаб-қувватлайдилар ва Эркин ўз орзусига эришиб, Мирзачўлга жўнайди. Ўша вақтларда унинг онаси Баҳри опа Мирзачўлга келган ва Мирзачўл район партия комитетининг секретари қилиб тайинланган бўлади. Эркин бу ерга келгач, комсомол ёшлар блан бирга янги ерлар очиш ва уни ўзлаштириш учун кураш бошлаб юборади, дангаса, манманликка бериган, ишдан кўра ўйин-кулгини афзал кўрган, ишдан қўрқиб ўтакетган бригадир Тўхта ўрнига энг қолоқ бригадага бошлиқ қилиб тайинланади. Эркин ўз бурчини шараф блан адо этиб, пахта планини ортиги блан бажаради. Унинг бригадаси илғорлар қаторидан ўрин эгаллайди. Меҳнатсевар комсомол ўз севгилиси Саодат блан Москвага — Қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кетади. Ҳар икки севишган юрак ўқишларини муваффақият блан тугаллаб қайтадилар.

Кўриниб турибдики, пьесанинг сюжети хира бўёқлар блан бўялган эмас. Автор воқиани қаётий, аниқ ва ёрқин ифода қилишга ҳаракат қилган.

Лекин драматург, бригада бошлиғи Қодирнинг характери устида жуда кам ишлаган, унинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилмайди. Қодир образи пьесадаги Шакар хола ва Тўхта каби ажойиб, ёрқин образлар даражасига кўтарилаолмаган.

Шунингдек, драматург биринчи картинадаги Қодир ва Эркин ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувларни кейнги картиналарда ривожлантирмаган. Автор учинчи картинада (Баҳрининг уйида) бу тўқнашувни ривожлантиришга ҳаракат қилсада, лекин у сун'ий, тасодифий характерга эга бўлиб қолган. Спектакльнинг финалида эса Қодир тушунган, илғор кишига айланади. Ҳатто Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ҳам бўлиб қолади. Аммо пьесада унинг тарбияланиши ва ўз хатосига тушуниш процесслари кўринмайди. Драматург, Қодирнинг асосий хатоси турмушдан орқада қолганлигида эмас, балки фақат механизацияни тушунмаслигида деб билади(?). Авторнинг келтирган бу далили ёш тамошабинларда ҳеҳқандай ишонч ҳосил қилмайди.

Образ яратучиларнинг бир-биридан фарқ қилучи ҳаётий характерларни сан'аткорлик блан эгаллаши ва уни маҳорат блан ижро этабилиши ёш тамошабинларнинг саҳнада бўлаётган воқеаларни тўғри тушуниб етишига имкон беради. Шунинг учун ҳам, ҳаммадан олдин Эркин ва Саодат образларини яратган ёш артистлар Б. Қодиров ва З. Тожибоевалар ҳақида фикр юритишга тўғри келади. Улар ўз образларини яратишга тўғри ёндашганлар. Биз улар ижросидаги Эркин ва Саодатда оддий, шу блан бирга қалблари иссиқ ҳарорат блан тўлибтошган, жасур комсомолларни кўрамиз.

Шунингдек, режиссёрлар ва артист Йўлдошева Баҳри образини яратишда кўп меҳнат сарф қилганлар. Талантли артист М. Йўлдошева ҳақиқий коммунист, онгли раҳбар образини яратаолган. Баҳри — Йўлдошева колхозчилар блан ҳазилкашлик қилади, қизғин суҳбатлашади, ўз ўғли ва кекса Улкан ота блан ҳушчақчақлашади. Лекин, ўзининг партиявий бурчини ҳеҳқачон унутмайди. У колхозчиларни пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашга сафбот ва ғамхўрлик блан отлантиради, кишиларнинг, шунингдек ўз ўғлининг хатоларини тузатишларига яқиндан ёрдам беради, уларни халқ учун хизмат қилиш руҳида тарбиялайди.

Лекин, бундай хусусиятлар Х. Исматуллаев ва М. Усмоновлар ижросидаги Ботиров ва Кузнецов образларида кўринмайди, Артистлар ўз қаҳрамонларини драматург томонидан кўрсатилган тор рамкада чегаралаб қўйганлар. Шуниг учун ҳам булар қуруқ, жонсиз, сун'ий бўлиб қолганлар.

Театрнинг малакали артисти А. Исмоилов ватанпарвар, саботли колхоз раиси образини усталик блан яратган. Мирзажонов — Исмоилов тажрибали раҳбар, колхозчиларнинг муваффақиятига қаттиқ ишонган раис сифатида гавдаланади. У, саҳнада фақат бир марта кўринса ҳам, ўзининг салобатлилиги, ақллилиги, ўз мақсади ва ҳаракатига ишонганлиги, Қодир блан бўлган муносабати орқали ҳақиқий коммунист сифатида яққол кўзга ташланди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Эшмухамедов (Улкан ота), О. Толипов (почтальон), артистлардан И. Йўлдошев (деҳқон), Т. Исамухамедов (архитектор Глухов)лар ҳам ўз рольларини муваффақият блан адо этганлар.

«Қуёш ўлкасида» спектаклида ижобий қаҳрамонларнинг фаолияти колхоз қурилишининг самарали ишларига ҳалақит беручи Тўхта, Шакар хола, ва Қодир каби кишиларга қарши кураш ва уларни тарбиялаш жараёнида очиб берилган.

Артист А. Толипов Тўхта образини нозик, энг яхши юморлар орқали яратган. У, ўз қаҳрамонининг руҳий ҳолатини тўла сақлагани ҳолда, унинг салбий хусусиятларини ижодий ўткирлаштирган. Артист М. Хамидова меҳнатсевар колхозчи-ўз неварасини жондан севучи меҳрибон кампир Шакар хола образини яратар экан, унинг ижобий ва салбий томонларини бўртдириб кўрсатаолган.

Спектакльда кўпчилик иштирок этадиган тўртинчи ва бешинчи картиналар жуда яхши ишланган. Ёш тамошабинлар бу картиналарни завқланиб кўрадилар. Театр рассомлари И. Вальденберг ва Д. Ушаковларнинг хизматларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Улар саҳна безакларини уста сан'аткорлик блан ишлаганлар.

Театрнинг ижодий коллективи ва драматург юқорида кўрсатиб ўтилган айрим камчиликлардан қатъий назар, «Қуёш ўлкасида» спектаклини яратишда бирмунча ютуқларга эришган.

Асарни саҳнага қўйган Ўзбекистон ССР халқ артисти, Е. Бобожонов, Н. Дўстхўжаев ва театр коллективи олдида драматург блан бирга ижодий ҳамкорликда ишлаб, пьесадаги мавжуд камчиликларни тузатиш ва уни энг яхши саҳна асари даражасига кўтариш вазифаси турибди.

**Ф. ЖЎРАЕВ,**
**У. ЖОНГИТОВ.**

# Культивация ва чопиқни сифатли ўтказиб, барча майдондаги ғўзани яхши ривожлантирайлик!

☆ ☆ ☆

## *Ғўза парваришидаги қолоқлик тугатилсин*

Чиноз районидаги Ленин номли колхозда ғўза парвариши қат'ий график асосида олиб борилмоқда. Ғўза парваришида коммунист ва комсомол ёшлар бошчилик қилаётган бригада ва звеноларнинг олдинда бормоқдалар. Ўртоқ Аҳмад Пўлатов бошлиқ бригаданинг а'золари ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар. Бригада ғўзанинг учинчи парваришини колхозда биринчи бўлиб тугаллади. Ғўза парвариши агротехника қоидаларига мувофиқ ўтказилмоқда. Колхозчиларнинг пахтадан мўл ҳосил етиштиришдан иборат курашига механизаторлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Колхозда хизмат қилаётган Келди Худойқулов бошлиқ трактор бригадасининг универсалчилари Йўлдош Саидов, Ҳамидулла Эрматов Умурзоқ Ҳожиев ўртоқлар «Универсал» тракторлари блан ҳар куни 18—20 гектар ердаги ғўзани культивация қилмоқдалар. Колхознинг Мирҳайдар Эсанов, Абдурраҳмон Боймуродовлар бошчилик қилаётган бригадаларида ҳам мўл пахта ҳосили учун кураш қизғин давом этдирилмоқда. Колхозчилар пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Раҳмонали Муҳаммедов, Нортожи Раимқулова, Тўти Мираҳмедова, Жамила Саидхўжаева сингари ўнлаб колхозчилар чопиқ қилиш нормаларини 2—3 ҳисса ошириб бажармоқдалар.

Броқ, райондаги кўпчилик колхозларда ғўза парвариши агротехника қоидалари асосида олиб борилмаётир. Илғор колхозлар тажрибаси кенг оммалаштирилмаётир.

Масалан, Ленин колхозига қўшни бўлган «XIX партс'езд» колхозида аҳвол бутунлай бошқача. Бу колхоз райондаги йирик пахтакор колхозлардан бири, унда ишчи кучлари ҳам етарли. Лекин у 2—3 йилдан бери давлат пахта тайёрлаш планини бажармасдан келади. Колхоз бу йил 1200 гектар, ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта ҳосилини етиштириш мажбуриятини олган. Барча куч ва моддий-техника воситалари ана шу юксак мажбуриятни бажаришга қаратилиши керак эди.

Афсуски, шу кунларда олиб борилаётган ишлар талабга мутлақо жавоб бермайди. Ҳалига қадар колхоздаги барча участкаларда ғўза бир текисда ундириб олинган эмас. Колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Ҳолматов) ва колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Юсупов) ғўза парваришидаги қолоқликка барҳам бериш чораларини кўрмаётир. Комсомол ташкилоти (секретари ўртоқ Нурматов) дала ишларида комсомол ёшларнинг етакчилик ролини та'минлаш блан жиддий шуғулланмаётир. Бунинг натижасида колхознинг кўпчилик бригадаларида аҳвол ниҳоятда ачинарли. Масалан, ўртоқ Мирсоат Норматов бошлиқ бригаданинг айрим карталарида ғўзалар ола чиқиб қолган.

Ўртоқ Восиб Маҳмудов бошлиқ бригадада меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва колхозчиларнинг ғўза чопиғида белгиланган кундалик нормани бажаришлари устидан раҳбарлик қилмаётир. Натижада бу бригадада ғўза чопиғи ниҳоятда сифатсиз ўтказилмоқда. Ҳатто, чопиқ қилинган ерларда ҳам ғўзалар ёввойи ўтлардан тозаланмаган. Ғўза парваришининг кечикаётганлигига колхозчилар орасида оммавий-сиёсий ишларнинг бўш уюштирилганлиги сабаб бўлмоқда. Колхозда 20 та пахтачилик бригадаси бор. Комсомол ташкилоти бу бригадалардаги дала шийпонларини жиҳозлашни ўз зиммасига олган эди. Броқ, бу қарор қоғозгагина қолиб кетди. Дала шийпонлари оммавий-сиёсий ишларнинг марказига айлантирилган эмас. Бригада а'золари учун иссиқ овқат ташкил қилинган бўлса ҳам, у сифатсиз. Шунинг натижасида колхозчиларнинг кўпчилиги тушки овқатни ўз уйларида еб, дала ишига ўз вақтида етиб келмайдилар.

Колхозчиларнинг март, апрель, май ойларида ишлаган меҳнат кунлари уларнинг меҳнат дафтарчаларига ўтказиб берилмаган.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу ярамас аҳволга тезда барҳам бериб, колхозчилар ўртасида ғўза парваришини кучайтириш учун амалий чоралар кўришлари зарур.

**А. МУҲАМАДАЛИЕВ,**
**И. АЛИҚУЗИЕВ.**

## УНИВЕРСАЛЧИ ЎРТОҚ ШАРИПОВ ОЙЛИК ТОПШИРИҚНИ 169 ПРОЦЕНТ БАЖАРДИ

Пискент районидаги 2-нчи МТС механизаторлари ўртасаройли илғор механизаторларнинг чақириқларига қўшилиб, ғўза қатор ораларини ишлашни илғор агротехника қоидаларига мувофиқ ташкил қилмоқдалар.

Ворошилов номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Ойбақулов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари ғўза қаторларини бўйига ва энига қараб ишлов беришда катта ташаббус кўрсатаётирлар.

Колхознинг 8-нчи бригадасига бириктилган, Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш учун кандидат бўлган ёш универсалчи ўртоқ Боймоқ Шарипов май ойида 350 гектар ғўза қатор ораларини ишлаш мажбуриятини олган эди. Ғайратли универсалчи Боймоқ Шарипов 1 июньгача 270 гектар ердаги ғўзани қирқма шахмат усулида ва 285 гектар ердаги ғўзани юқори сифатли культивация қилиб, ойлик топшириқни 169 процент бажарди.

Боймоқ Шарипов Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик виставкасининг очилиш кунига қадар 1500 гектар майдондаги ғўза катор ораларини ишлаш юзасидан олган юксак мажбуриятни шараф блан бажариш учун фидокорона ишламоқда.

Ёқуб Каримов, Сотиболди Ҳамидов, Ўраз Шерматов каби универсалчилар ҳам 1000 гектарларида тез ривожланиши ва барвақт ҳосилга киришини та'минлаётирлар.

Ўртоқ Муқимжон Эгамназаров бошлиқ 40 центнерчи бригада 62 гектар ердаги ғўзасини 3 марта культивация қилди ва 2 марта кетман чопиғи ўтказди.

Бригадада меҳнат унумини ошираётган илғор ишчилар кўп. Иқлимой Раззақова, Бўйша Исомиддинова ва Улуғой Қурбоналиева ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5 — 2 баравар бажармоқдалар. Бригаданинг сувчиларидан Ашираали ака Жумабоев, Абдукарим Мирзаабоев ва Иммат Мирзамуродов ўртоқлар кўпйиллик тажрибалари ва фидокорона меҳнатлари блан танилган илғор сувчилардандир. Улар ғўзани суғоришни жуда усталик блан ўтказмоқдалар. Эгат бошларини ва қаторларни текшириб, эгатлар ўртасида сувнинг қўллаб қолишига йўл қўймайдилар. Ғўзани парвариш қилишда бригаданинг универсалчиси комсомол а'зоси Мамаджон Омонбоевнинг хизмати каттадир. У ҳар куни 19 — 20 гектар ердаги ғўзани культивация килмоқда. Ўртоқ Эгамназаров бошлиқ бригаданинг ғўзалари 6 — 7 ён шох чиқариб, 8 — 9 тадан шоналаган. Айрим ғўза тупларида гуллар кўринабошлади.

**Г. САИДОВ.**

## Ғўза яхши ривожланмоқда

Ховос район, 2-нчи «Боёвут» совхози 4-нчи бўлимининг юқори ҳосилли бригадалари далачилик ишларини комплекс олиб бориб, ғўзаларнинг тез ривожланиши ва барвақт ҳосилга киришини та'минлаётирлар. Ўртоқ Муқимжон Эгамназаров бошлиқ 40 центнерчи бригада 62 гектар ердаги ғўзасини 3 марта культивация қилди ва 2 марта кетман чопиғи ўтказди.

Бригадада меҳнат унумини ошираётган илғор ишчилар кўп. Иқлимой Раззақова, Бўйша Исомиддинова ва Улуғой Қурбоналиева ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5 — 2 баравар бажармоқдалар. Бригаданинг сувчиларидан Ашираали ака Жумабоев, Абдукарим Мирзаабоев ва Иммат Мирзамуродов ўртоқлар кўпйиллик тажрибалари ва фидокорона меҳнатлари блан танилган илғор сувчилардандир. Улар ғўзани суғоришни жуда усталик блан ўтказмоқдалар. Эгат бошларини ва қаторларни текшириб, эгатлар ўртасида сувнинг қўллаб қолишига йўл қўймайдилар. Ғўзани парвариш қилишда бригаданинг универсалчиси комсомол а'зоси Мамаджон Омонбоевнинг хизмати каттадир. У ҳар куни 19 — 20 гектар ердаги ғўзани культивация килмоқда. Ўртоқ Эгамназаров бошлиқ бригаданинг ғўзалари 6 — 7 ён шох чиқариб, 8 — 9 тадан шоналаган. Айрим ғўза тупларида гуллар кўринабошлади.

**Г. САИДОВ.**

## Совхознинг илғор бўлимида

1-нчи «Боёвут» совхозининг 5-нчи бўлими ҳар йили пахта тайёрлаш планини ошириб бажариб келмоқда. Пахта майдони ҳам йилдан-йилга кенгайтирилмоқда. Бўлим ишчилари бу йил пахта майдонини янги ерлар ҳисобига 605 гектарга кенгайтириб, ҳар гектар ердан 37,5 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар шу кунларда бутун дала ишларини ана шу юксак мажбуриятни бажаришга қаратмоқдалар. Ғўзалар уч культивация ва икки чопиқдан чиқарилди. Ўртоқ Мурод Авалбоев бошлиқ юқори ҳосилли бригаданинг 40 гектар ердаги ғўзаси текис шонага кирган. Бу бригада бу йил ҳар гектардан 45 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқда. Шунингдек бўлимнинг коммунист Бувабой Бекалиев, Ма'мур Қозоқов ва Намоз Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши комплекс равишда олиб борилаётгани туфайли яхши ўсмоқда.

Бўлимнинг колонна механики коммунист ўртоқ В. Нуриддинов тракторларнинг тўхтовсиз ишлашини та'минламоқда. Универсалчилардан Юсупов ва Комилов ўртоқлар ҳозирданоқ 400 — 450 гектар ердаги ғўзани культивациядан чиқардилар.

**Г. СУВОНҚУЛОВ.**

## Минггектарчилар ҳаракати кенгаймоқда

Гулистон районидаги 1-нчи МТС механизаторлари ўртасида минггектарчилар ҳаракати кун сайин ўсмоқда. МТС зонасидаги колхозларда хизмат қилаётган трактор бригадаларининг ҳар бир универсалчиси ўз устига конкрет мажбуриятлар олиб, агрегатлардан унумли фойдаланмоқдалар.

Айниқса Фрунзе номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Тўрабек Оқмирзаев бошлиқ 3-нчи трактор бригадасининг механизаторлари ғўза қатор ораларини ишлашда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу бригада тракторчилари колхознинг Фрунзе номли участкасидаги бригада далаларида ишламоқда. Бу участкада 440 гектар пахта майдони бор. Механизаторлар колхозчилар блан ҳамкорликда ишлаб, ғўзани 2 марта культивация қилди. Ҳозир 3-нчи культивация ва 1-нчи озиқлантириш ишларини давом этдирмоқдалар.

Бригаданинг Мўмин Эргашев ва Шераали Тўрақулов каби моҳир универсалчилари мавсумда 1000 гектар ердаги ғўзани юқори сифатли парвариш қилиб бериш мажбуриятини олдилар. Булар ўз мажбуриятларини шараф блан бажариш учун курашиб, ҳозир ҳар куни 16—17 гектар ердаги ғўзани культивация қилмоқдалар.

Андреев номли колхозда хизмат қилаётган 7-нчи трактор бригадасининг ва «Красная заря» колхозида хизмат қилаётган ўртоқ Ким Алексей бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари ҳам ўз агрегатларини тўла ишга солиб, ғўза қатор ораларини ишлашда юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Андреев номли колхоз далаларида ишлаетган универсалчи ўртоқ Қиргиз Умматқулов 1200 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлаб бериш мажбуриятини олиб, 110 гектар майдондаги ғўзани 3-нчи культивациядан чиқарди.

Шу сингари, «Красная заря» колхозида хизмат қилаётган универсалчи ўртоқ Каримов ҳам анча унумли меҳнат қилмоқда. Механизаторлар ўз агрегатларига меҳр-муҳаббат блан қараб, ҳар куни ишдан кейин трактор ва машиналарни кўздан кечириб, чангдан тозалаб, бўшаган болтларини маҳкамлаб ва мойлаб, эртанги ишга шай қилиб қўядилар. Шунинг натижасида улар ҳар куни 16—17 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлашга муваффақ бўлмоқдалар.

**Т. РЎЗИБОЕВ.**

## Мажбурият асосида

Ғўзани парвариш қилишда колхозчилар блан ҳамкорликда иш олиб бораётган Октябрь районидаги Каганович номли колхозининг механизаторлари ўртасаройли механизаторларнинг чақиригига қўшилиб, ўзаро социалистик мусобақани кенгайтириб юбордилар. Колхозда ишлаётган 5 та трактор бригадасининг универсалчилари ғўзани июнь ойида ёппасига шоналатиш ва қўпини гулга киритиш учун курашмоқдалар.

Механизаторлар ишнинг сифатини ҳеҳбир пасайтирмасдан меҳнат унумини тобора оширмоқдалар. Бу эса колхозчиларнинг меҳнатини анча тежашга ёрдам бермоқда. Моҳир универсалчилардан Г. Тошбеков, Б. Туропов, С. Мирзаалиев ўртоқлар кунига 14—16 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлармоқдалар. Бу универсалчилар Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси очиладиган кунга, я'ни 1 августгача камида 1000 гектар ғўзани парвариш қилиш мажбуриятини олганлар. Колхозда умуман иккинчи культивация, 2, 3, 5, 9 ва бошқа бригадаларда эса учинчи культивация тугалланди.

**Д. СОДИҚОВ.**

## *Прогрессив усуллар пропагандаси*

Бу йил анчагина майдонлардаги ғўза машиналар блан ягана қилинди, ғўза қатор оралари узунасига ҳам, кўндалангига ҳам культивация қилинмоқда. Ғўзани парвариш қилишда бу прогрессив усулларнинг қўлланилиши, ишнинг сифатини ошириш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва тез бажариш, меҳнатни тежаш ва иш унумини оширишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон КП область комитети ғўза қатор ораларини узунасига ва бўйига ишлаш методини пропаганда қилиш мақсадида 10 июньда Октябрь районидаги Сталин номли колхозда кўрик ўтказдилар. Кўрикка Қишлоқ хўжалик министрлигининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари ҳамда областьнинг партия ва совет активидан юзга яқин киши иштирок қилди. Улар далада —бевосита ишлабчиқариш шароитида ғўза қатор ораларининг ҳам узунасига, ҳам кўндалангига ишланиши, шу блан бир йўла ўғит солиниши ҳамда эгат очилиб кетилиши процесслари блан муфассал танишдилар.

Қишлоқ хўжалик министрлигининг кенса ходимларидан инженер Георгий Семёнович Васильев кўрик иштирокчиларига чопиқ тракторлари блан ғўза қатор ораларини ишлашнинг бу янги усулини, культиваторнинг иш органлари қандай ўрнатилишини ва айрим ҳолларда иш органларини созлаш қоидаларини ва иш сифатининг қандай бўлишини қисқа, лекин тушунарли қилиб сўзлаб берди.

Г. Васильевнинг айтишича, Раҳматуллаев бошлиқ бригаданинг универсалчиси Б. Алматов ҳозиргача 415 гектар майдондаги ғўзани ана шу янги усулда парвариш қилган. Унинг НКУ-2,8 маркали культиваторига 16 та иш органлари ўрнатилган. Культиватор иш органлари шундай ўрнатилганки, қатор орасининг кенглиги 70 сантиметр бўлганида қатор ёнида, фақат 8,5 — 10 сантиметргина кенгликда жой ишланмай қолади. Культивация сифатли бўлгани учун тупроқ етарли даражада чуқур ишланиб, яхши юмшатилади. Бунинг устига кетман чопиққа сарфланадиган меҳнат икки баравардан кўп камаяди.

Кўрик Сталин номли колхознинг 6-нчи бригадасида ўтказилди. Бу бригаданинг бошлиғи Абдухолиқовнинг гапига қараганда, бригада а'золари бу йил ўзларига қарашли 112 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олишлари керак. Ернинг кўпи оғир тупроқли бўлиб ундан 20 гектари портов ердир. Бригадада ҳаммаси бўлиб 39 та ишловчи бор. Демак, ҳарбир кишига 3 гектардан ер тўғри келади. Бригада бу ҳолни тўғри ҳисобга олган, шунинг учун ғўза парваришида машиналар кенг миқ'ёсда қўлланилмоқда. Чунончи 50 гектар ердаги ғўза қатор оралари ҳам узунасига, ҳам кўндалангига ишланмоқда. Союз НИХИ марказий механизация ва агротехника станциясининг ёрдами блан 30 гектар ерга чигит олти қаторлаб экилган. Бу далалардаги ғўзалар 70Х45 сантиметрли схемада машиналар блан ягана қилинган.

Агротехниканинг янги усулларини қўлланиш ғўза парваришида машиналардан унумли фойдаланишга имконият бергани, колхозчиларнинг меҳнати ҳам анча тежалмоқда. Масалан, илғари бир гектар ердаги ғўзани чопиқ қилиш учун 7 — 8 киши талаб қилинса, эндиликда 2 — 3 киши етарлик бўлиб қолди. Ғўзалар СУЗ машинаси блан ўғитланаётир. Бу 112 гектар ердаги ғўзани 7 кунда озиқлантириб чиқиш ва бу ишни 1 июньгача бажариш имконини беради.

Бригада а'золари ғўза парваришида механизаторлар блан қаттиқ ҳамкорликда олиб бориб, ҳарбир ишни графикда белгиланган муддатларда бажармоқдалар. Бу бригадада битта ҳам ишга чиқмаган ёки кунлик нормани бажармаётган киши йўқ. Сувчилардан Б. Мирзаҳмедов, Л. Абдукаримов ва Р. Соатқулловлар катта-катта карталардаги ғўзаларни бир йўла суғориб чиқмоқдалар. Натижада механизаторлар ишида ҳеҳбир узилиш бўлмаётир.

Ғўза парваришида машиналардан кенг қўламда фойдаланиб, ҳарбир иш ўз вақтида бажарилаётганлиги учун ғўза яхши ўсиб ривожланмоқда. Ҳозир ғўзалар ёппасига шоналаб, олди ғўзалар гулга кирди. Бригада а'золари ва механизаторларнинг уюшқоқлиги уларнинг ишидан кўриниб турипти. Бунга кўрик қатнашчилари қойил қолдилар ва улар бригада ерларида мўл ҳосил етишишига тўла ишонч ҳосил қилдилар.

* * *

Кўрикка иштирок қилган район партия ва совет активлари ўз районларида ҳам колхоз раҳбарлари, бригада, звено бошлиқлари, МТС агрономлари учун шундай кўриклар ўтказиб, илғор агротехника усулларини кенг пропаганда қиладилар. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва область қишлоқ хўжалик бошқармасининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари районларга бориб кўрикни ўтказишда район раҳбарларига бевосита ёрдам берадилар.

**Н. АРТЕМЬЕВ.**

# Юксалиш йўлида

1938 йил куз фасли эди. Вревский станциясига эшелон келиб тўхтади. Перонга чиққан станция аҳолиси вагонларда тахта оҳурлар орқасида қатор-қатор бўлиб турган бузоқларни кўриб ҳайратда қолдилар. Улар бундай дуркун ва бир сигирдан туғилгандек бирхил ола бузоқларни ҳеч кўрмаган эдилар. У вақтларда Ўрта Осиёда бундай бузоқлар бўлмас эди. Бу бузоқлар Ленинград областидан келтирилган эди.

Республикамиз колхозларига наслдор бузоқлар етказиб беруви 4-нчи Вревский совхози ўша кунлари ташкил топди. Бу совхозга И. Волков отбоқар бўлиб ишга кирган эди. У совхозда ишлаб турибўқиди, ўсди. Ўртоқ Волков ҳозирги вақтда экономист-плановик бўлиб ишлайди. Совхознинг иши, совхоз ишчиларининг ҳаётига оид барча ма'лумотлар шу кишининг қўлида тўпланади.

— Бизнинг совхоз, — дейди ўртоқ Волков, — зўр юксалиш йўлини босиб ўтдч...

1.

«Бузоқлар сигир бўлгунча, юраклар қон бўлади» деган халқ мақоли бор эди. Дарҳақиқат Октябрь революциясидан илгари шундай эди. Қашшоқ деҳқон бузоқни сигир қилиб, оғзи мойга теккунча кўп машаққатлар чекарди. Кўпинча бузоқни сигир қилиб олишга муяссар бўлаолмас, сотиб солиққа тўлар эди.

Халқнинг ҳалиги мақоли бизнинг замонамиз андазасидан чиқиб кетди, эскирди. Партия ва ҳукуматимиз халқнинг фаровон ҳаёт кечириши учун бутун шароитларни яратиб бермоқда. Мамлакатда озиқ-овқат мўл-кўллигини вужудга келтириш учун ҳамма тадбирлар кўрилмоқда. Шу жумладан чорва молларининг сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш, чорвачилик маҳсулотини ошириш—партия ва халқимиз олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Бу вазифа шубҳасиз яқин йиллар ичида муваффақиятли бажарилади.

Бундан ўнолти йил илгари Вревский совхозига юзтача бузоқ келтирилган эди. Совхоз 1940 йилдан бошлаб, республика колхозларига наслдор бузоқлар етиштириб берабошлади. Сўнгги уч йил мобайнида бу совхоз колхозларга 531 та наслдор бузоқ сотди. Ҳозирги вақтда унинг ихтиёрида 986 сигир-бузоқ бор.

Ўтган йил 4-нчи Вревский совхози давлатга сут ва гўшт топшириш планини анча ошириб бажарди. 1095 центнер гўшт, 61 минг 211 центнер сут топширилди.

Совхозда сут соғиш ва мол боқиш ишларини кенг равишда механизациялаш имкониятини берадиган катта молхонакорпуслар қурилган. Цемент қопланган молхоналар ҳамавақт жуда озода саналанади. Сигирларни парвариш қилиш яхши йўлга қўйилганидан ҳарбир сигирдан йиллик ўртача соғиладиган сут миқдори 4850 литрга етказилди. Айрим сигирлардан рекордли маҳсулот олинмоқда. Масалан, «Чайка» ҳар куни 33 литрдан, йилига 6138 литр сут беради. «Солистка» эса ундан ҳам кўп — ҳар куни 37 литрдан, йилига 7390 литр сут беради.

Бу совхозда донгдор бригадирлар, тажрибали сут соғучилар етишиб чиқди. Бригада бошлиқлари Альбертовская, М. Бегун ўртоқлар сут соғучи Анна Козлова, Елена Сулянова, Елизарова, Храмова ва бошқалар узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилиб, совхоз коллективининг ҳурматига сазовор бўлганлар.

Сигирларнинг мўл сут бериши сигир соғучиларнинг моҳаратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Улар молларни қанчалик меҳр блан парвариш қилсалар ва ўз вақтида соғиб турсалар, шунча кўп сут оладилар. Бу жиҳатдан Анна Козлованинг фаолияти диққатга сазовордир. У, совхозда 13 йилдан бери сут соғучи бўлиб ишлайди. Ўзига бириктилган сигирлардан ҳар кун 1000 литр ўрнига 1200 литрдан сут соғмоқда.

II.

Совхозда наслдор бузоқлар етиштиришдан ташқари бирқанча ёрдамчи хўжаликлар бор. Йилқичилик фермасида 116 та от, чўчқачилик фермасида 350 дан ортиқ чўчқа, паррандачилик фермасида мингдан ортиқ гоз ва ўрдак парвариш қилинмоқда.

Совхознинг 1242 гектар суғориладиган ери бор. Бу ерлардан асосан ем-ҳашак майдони сифатида фойдаланилади. Совхоз ишчилари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг «Ем-ҳашак проблемасини ҳал қилмай туриб, чорва молларининг маҳсулдорлигини кескин суратда ошириб бўлмайди» деган кўрсатмасини чуқур англаб, бедазор ва ўтлоқларни кенгайтириш, яйловлардан пичан тайёрлашга алоҳида э'тибор бермоқда.

Бу йил совхознинг бедазори 609 гектарга етказилди, 134 гектарга силос қилинадиган экинлар, 20 гектарга бир йиллик ўтлар экилди. Бундан ташқари совхоз ем учун 146 гектар донли экинлар экди.

Совхоз ишчилари учун 21 гектар ерга сабзавот ва полиз экинлари экилган.

Бу совхоз бедадан мўл ҳосил олишда Бутун иттифоқимизда донг чиқарган. Совхознинг бедадан мўл ҳосил етиштиришда ажойиб муваффақиятларга эришган бригада ва звено бошлиқларидан 8 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга муяссар бўлганлар. Улар орасида ҳар гектардан 102,6 центнердан беда етиштирган бригада бошлиғи Юнус Мирзаҳмедов, А. Сайдаҳмедов, 130 гектардан 105 центнердан беда ҳосили йиғиб олган Ф. Бўронбоев, 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 101,7 центнердан беда етиштирган бригада бошлиғи И. Шевченко ва бошқалар бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. Бўронбоев иккинчи фермага бошқаручи қилиб тайинланган.

Совхозда беда ва пичан ўриш ишлари ўтган йиллардаёқ механизациялаштирилган эди. Бу йил совхоз республикамизда биринчи бўлиб, беда-пичан ғаралаш Стогометатель агрегатини ишга солди. Ғарамлаш машинаси бир кунда 60 тоннагача беда-пичанни ғарамлайди ва 25 кишининг ишини бажаради. Шу муносабат блан ҳарқайси бедачилик бригадасида ўнларча ишчи кучи қисқартирилди ва улар пахтачилик бригадасига юборилди. Бу машина ишга туширилгандан кейин беда-пичан ўриш сур'ати тезлашиб кетди. Совхоз биринчи йўғичка ўришни май ойида тугаллади. И. Шевченко бошлиқ бедачилик бригадаси биринчи ўримдаёқ ҳар гектардан 32—35 центнердан беда жамғарди. Бошқа бригадаларда ҳам йўғичка ҳосили бу йил мўл бўлди.

Йўғичка ва пичан ориш совхозда зўр тантанага айланади. Стогометатель ишлаб турган ғарам ёнига беда ортилган аравалар қаторлашиб келиб турадилар. Стогометатель бир арава бедани 2 марта кўтариш блан ғарам устига чиқариб беради. Энг муҳими шуки, бу агрегат блан ғарам қилинганда, беданинг барги ва гули тўкилмайди.

— Биз, — дейди совхоз директори ўртоқ Ставной, — йўғичка-пичан ўришни катта кампания тарзида ўтказамиз. Ҳар йил йўғичка камида 4 марта ўрилади. Вақтида ўғитланади, суғориб турилади. Агар колхозлар ҳам йўғичкани бизчалик парвариш қилсалар ва ўз вақтида ўриб турсалар, бизга ўхшаш ҳар гектардан 120—130 центнердан ҳосил олган бўлар эдилар...

КПСС Марказий Комитети февраль-март Пленумининг қўриқ ва бўш ерларни ўзлаштириш ҳамда ғалла, техника экинлари ва бошқа экинлар етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қароридан илҳомланган совхоз ишчилари бу йил янги ер очиб, биринчи марта 130 гектар ерга чигит эқдилар. Пахтачилик бригадасига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Сайдаҳмедов бошчилик қилмоқда. У ер ҳайдаш ва чигит экишдан бошлаб, ғўзапояларни йиғиштириб олиб, ерларни шудгор қилишгача бутун иш процессларини механизация воситаси блан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Ҳозир бутун ғўзалар иккинчи марта комплекс парвариш қилиниб, иккинчи марта суғорилди. Шу кунларда экинлар иккинчи марта озиқлантирилмоқда ва текис шонага кирди. Бу йил совхоз коллективи биринчи марта ўзлаштирилган ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган.

III.

Вревский совхози жойлашган води баланд-паст адирлардан иборат бўлганликдан деҳқончилик учун ноқулай эди. Шунинг учун бу ерда наслдор бузоқлар етиштиручи совхоз тузилди. Совет давлати совхоз коллективини қудратли техника блан қуроллантирди. Кучли бульдозерлар, грейдерлар, ариқ қазиш машиналари ишга туширилиб, ҳозир анча ер экин майдонига айлантирилди. Бу иш яна давом этдирилмоқда.

4-нчи Вревский совхозида стогоме татель агрегати блан беда ғарамлаш.

Совхознинг ўз гидростанцияси бор. Бу совхоз қўшни богдорчилик совхозини ҳам электр қуввати блан та'минлайди. Ғишт пишириш ва тахта арралаш ишлари электрлаштирилган. Шунинг учун қурилиш ишларининг таннархи совхозда арзон тушади. Шу кунларда ярим миллион сўм сарф этилиб катта клуб қурилмоқда.

Совхоз 1948 йилдан бери рентабель ишламоқда. Кейинги 3 йил мобайнида совхоз коллективи ўз ишлабчиқариш харажатларини қоплаб, давлатга 665,5 минг сўм фойда келтирди.

Совхоз директори Петр Елисеевич Ставной, директор ўринбосари Қосимжон Ҳакимов, партбюро секретари Тимофей Федорович Негода, бош агроном Афанасий Александрович Третьяков, старший зоотехник Иван Ефимович Склярь ўртоқлар совхознинг ватанпарвар ишчилари ўз хўжаликларини намунали совхозлардан бирига айлантириш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

Совхоз коллективи партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорларига жавобан наслдор молларни яхши парвариш қилиш йўли блан ҳарбир сигирнинг тирик вазнини 600 килограммга етказиш, йилқилар сонини 200 тагача кўпайтириш, ўрдаклардан 100 тадан тухум олиш, ҳарбир чўчқадан 22 тадан чўчқа боласи олиш, колхозларга тобора кўпроқ наслдор бузоқлар етказиб бериш мажбуриятини олди. Совхозда ем-ҳашак ва озуқа экинлари ҳосилини ошириш учун қизғин иш бормоқда. Келгуси йилда 100 гектар ламикор ерларга сув чиқарилиб, пахта майдонига айлантирилади.

Совхоз коллективи ўз зиммасига олган катта мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун астойдил ғайрат қилмоқда.

**Н. ЮСУПОВ.**

Суратда: (чапдан) 1. Агроном Ф. И. Обласов ва пахтачилик бригадасининг бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Сайдаҳмедов ғўзаларнинг шонасини кўздан кечирмоқдалар. 2. Совхознинг паррандачилик фермасида.

В. Салов фотоси.

# КПСС делегациясининг Прагада бўлиши

ПРАГА, 14 июнь. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ЧКП X с'ездида қатнашиш учун КПСС МК биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев, Украина Коммунистик партияси МК секретари ўртоқ И. Д. Назаренко, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Е. А. Фурцева ва КПСС МК бўлимининг мудири ўртоқ В. П. Степановлардан иборат делегацияси бугун Ольшан қабристонига борибқабр, Чехословакиянинг озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари хотирасига қурилган ёдгорлик олдига гулчамбар қўйди.

Гулчамбар қўйиш маросимида ЧКП МК биринчи секретари Антонин Новотний, ЧКП МК сиёсий секретариатининг а'золари Яромир Доланский ва Алексей Чепичка, ЧКП МК президиумининг а'зоси Вацлав Давид ва ЧКП МК секретари Братислав Крутина, шунингдек СССР-нинг Чехословакиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Н. П. Фирюбин ва СССР элчихонасининг мас'ул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Қабристонда фахрий қоровул қўйилди ва Совет Иттифоқи ҳамда Чехословакия давлат гимнлари ижро этилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ЧКП X с'ездида қатнашаётган делегацияси шу куни Прагада Витков тоғидаги нома'лум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйди.

## Болгариянинг қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрланмоқда

СОФИЯ, 14 июнь. (ТАСС). Софияда меҳнат кооператив-деҳқончилик хўжаликларининг раҳбар ходимларини тайёрлайдиган олий мактабда кеча ўқишни тамомлаганларни чиқариш маросими бўлди. Мактаб ўзи ташкил қилинган вақтдан буён ўтган қисқа муддат ичида меҳнат кооператив-деҳқончилик хўжаликлари учун 830 раҳбар тайёрлаб чиқарди. Бу йил мактабни 227 киши муваффақиятли тамомлади. Улар меҳнат кооператив-деҳқончилик хўжаликларига, давлат хўжаликларига ва машина-трактор станцияларига раҳбарлик ишларига юбориладилар. Илгари звено бошлиқларн бўлиб ишлаган кўпгина ўқучилар кооператив хўжаликларга раис ва раис ўринбосарлари сифатида қайтиб келмоқдалар. Ўқучилардан 27 киши қўшимча имтиҳон беришни ва младший агроном номи олишни истаганлигини билдирди. Яқин вақт ичида МКДХ юқори раҳбар кадрларини тайёрлаш мактаби илгариги икки йил ўрнига уч йил ўқиладиган мактабга айлантирилади ва кичик агроном номи оладиган мутахассисларни тайёрлаб чиқаради.

## ГДРда «Немис темирйўлчилар куни» байрами

БЕРЛИН, 14 июнь. (ТАСС). Кеча Германия Демократик Республикасида «Немис темирйўлчилар куни» ўтказилди. Республиканинг шаҳарларида темир йўл транспорти ходимларининг кўп кишн қатнашган намойишлари бўлди. Намойишлар ГДР ҳукуматининг янги курсини муваффақиятли амалга ошириш учун, Германия билан сулҳ шартномаси тузилиши учун кураш, «Европа мудофаа бирлашмаси» ҳақидаги ҳарбий шартномага қарши кураш шиорлари остида ўтди.

Берлинда «Немис темирйўлчилар куни» муносабати блан бўлган байрамларда 50 минг кишн қатнашди.

ГДРнинг ҳамма жойларида оммавий халқ сайиллари бўлиб ўтди.

## Лешно шаҳрида (Польша) планерчиларнинг халқаро мусобақалари

ВАРШАВА, 14 июнь. (ТАСС). Кеча Польшадаги Лешно шаҳрида планерчиларнинг халқаро мусобақалари тантаналн сурада бошланди. Мусобақаларда Европанинг тўқиз мамлакати — Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша, Руминия, Венгрия, Болгария, Германия Демократик Республикаси, Англия ва Франция спортчилари қатнашмоқда.

Мусобақаларни Польша аэроклубининг раиси Турский очди. У мусобақа қатнашчиларини қизғин табриклади ва уларга самарали муваффақиятлар тилади. Совет спортчилари номидан команда раҳбари П. Турчин сўзлади. У совет спортчилари самимий кутиб олинганлиги учун ташаккур изҳор қилди.

# Француз ёзучиси Жан-Поль Сартрнинг Ўзбекистонда бўлиши

Совет ёзучилари союзининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келган машҳур француз ёзучиси, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг а'зоси Жан—Поль Сартр Ўзбекистонда етти кун бўлди.

Жан — Поль Сартр Ўзбекистоннинг халқ хўжалиги ва маданият соҳасидаги ютуқлари блан танишди. У Тошкент шаҳрининг муҳим жойларини бориб кўрди, Сталин номидаги тўқимачилик комбинатида, республика Фанлар академиясида, темир йўл транспорти инженерлари институтида, консерваторияда бўлди, театрларга борди, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг ходимлари блан суҳбатлашди, шаҳар чекасидаги лагерьда дам олаётган пионерларнинг меҳмони бўлди. Жан — Поль Сартр Самарқандга бориб, қадимги маданият ёдгорликлари блан танишди. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг Марказий механизация ва агротехника станциясига, шунингдек Оржоникидзе раойнидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига борди.

Жан—Поль Сартр Тошкентда бўлган кунларида ижодий ташкилотларнинг фаолияти блан муфассал танишди. У, Ўзбекистон Совет ёзучилари союзида республиканинг етакчи адабиётчилари блан учрашди, улар унга ўзлари ёзаётган асарлари тўғрисида, ўзбек адабиётини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар ҳақида сўзлаб бердилар.

1953 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти ўн икки миллион нусхага яқин китоб нашр этганлиги ва бундан ташқари ўқув-педагогика нашриёти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясн нашриёти, Қорақалпоғистон АССР Давлат нашриёти ва республика газеталарининг бирлашган нашриёти ҳам кўп миқдорда китоблар чиқарганликлари тўғрисидаги ҳабар француз ёзучисида катта таассурот қолдирди. Жан—Поль Сартр бу факт ҳақида гапириб, китобларнинг нархлари баланд бўлган ва аҳоли кам китоб сотиб олаётган буржуа Франциясида кенг китобхонлар оммаси бадиий асарларни ўқиш имконнятига эга эмаслигини та'кидлаб ўтди. Статистика ма'лумотларига қараганда, Францияда катта ёшдаги ҳарбир киши бир йил ичида ўрта ҳисобда фақат битта китоб сотиб олмоқда.

Жан—Поль Сартр таассуф блан ҳикоя қилдики, капиталистик мамлакатларда, шу жумладан Францияда ҳам ёзучилар ва драматургларнинг иши буржуазиянинг ҳоҳиш ва талабларига бевосита боғлиқ қилиб қўйилган. Тинчликни ҳимоя қилаётган ва ҳаётдаги ҳодисаларни ростгўйлик блан акс этдиришга интилаётган прогрессив маданият арбоблари қулфат тортмоқдалар ва кўпинча ҳукумат амалдорлари бу арбобларни қувғин қилмоқдалар.

Совет ёзучилари союзидаги учрашув вақтида ёзучининг иш принциплари ҳақидаги масала юзасидан қизғин фикр олишув бўлди. Ўзбек ёзучилари Уйғун, И. Раҳимов, Р. Файзиев ва учрашувнинг бошқа қатнашчилари Совет Иттифоқида ёзучилар китобхонлар блан маҳкам алоқада бўлиб, бир-бирларига ўртоқларча ёрдам бериб ижод қилаётганликларини, бундай ўртоқларча ёрдам қўл ёзмаларни коллектив муҳокама қилишдан, амалий маслаҳатлар беришдан иборат эканлигини уқтириб ўтдилар. Жан—Поль Сартр ҳозир бўлганларнинг саволларига жавоб бериб, Францияда конкуренция кураши мавжуд бўлганлигидан ёзучиларнинг жуда кўпчилиги ўзаларининг ижодий фаолиятидан бир-бирлари блан боғланишмай якка-ёлғиз иш олиб бораётганликларини айтди.

Суҳбат вақтида Жан — Поль Сартр Совет Иттифоқи ва Франция халқлари ўртасидаги маданий алоқалар узлуксиз мустаҳкамланиб боради ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Жан—Поль Сартр Тошкентдан жўнаб кетиш олдида, матбуот вакиллари блан суҳбатда Ўзбекистондан олган таассуротларини баён қилди. Жумладан у мана бундай деди:

— Мен бу ерга, Ўзбекистонга тасодифий равишда келмадим. Ёзучи Илья Эренбург Парижда бўлган вақтида менинг Совет Иттифоқига бормоқчи бўлганлигимни эшитгач менга, албатта, Ўзбекистонда бўлишни тавсия қилган эди. Совет мамлакатига келиб кетган француз дўстларим ҳам Ўзбекистонга боришни маслаҳат бердилар. Бундай маслаҳат берганликларининг сабаби шуки, Ўзбекистонни Францияда яхши биладилар ва Ўзбекистон Совет миллий республикаларининг тез тараққий этишининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади.

Мен бу ерга келиб кўп қизиқ нарсаларни кўришни умид қилдим ва ниятимга етдим. Мен ҳамма ишда равшанлик, пухталикни кўрдим, бу менн айниқса ҳайратда қолдирди.

Яқин ўтмишда мустамлака ҳолатида бўлган Ўзбекистон мамлакати экономикаси тараққий этган ва юксак маданиятли мамлакат бўлиб қолди. Шу блан бирга бу ерда маданият экономиканнг юксалиш даражасидан кейинда қолмаётганлиги айниқса ҳайратда қолдрлик қолдир.

Менда катта таассурот қолдирган иккинчи ҳол — ўтмишдаги халқ ижодиёти блан ўзбек халқи кейинги йилларда яратган маданият бир-бири блан чамбарчас боғланганлигидир. Фольклор материали меҳнатнинг энг оддий қуроллари блан маҳкам боғлик бўлганлигидан хўжаликни механизацнялашнинг ҳозирги юксак даражаси шароитида ўтмишдаги халқ традициялари йўқ бўлиб кетади деб ҳавф сираган эдим. Лекин Совет Иттифоқида халқ традициялари ниҳоятда қадрланаётганлигига, бу ерда фольклор мероси халқнинг ҳозирги замон маданияти блан жуда яхши боғлаб борилаётганлигига қат'ий ишондим. Шуни айтишим керакки, ўзбек композиторлари ва драматургларн яратган ўзбек музикаси ва драмаси мени жуда завқлантирди, ўзбек композиторлари ва драматурглари ўз асарларида миллий колоритни сақлашга ва бу асарларнинг мазмунини чуқур ва бой қилишга муваффақ бўлганлар. Бу баҳо ўзбек қўшиғига ва опера сан'атига тўла тааллуқлидир.

Мен на русча, на ўзбекча ўқиолмаганлигим учун ўзбек ёзучиларининг асарлари блан чуқур танишаолмаганлигимга жуда таассуфланаман. Фикримча Ўзбекистон ёзучиларининг муваффақиятлари ҳам композиторларникидан кам бўлмаса керак.

Жан—Поль Сартр сўзининг охирида бундай деди:

— Ўзбекистонда ўз кўзим блан кўрган нарсаларимнинг ҳаммаси менда унутилмас таассурот қолдирди, бунинг сабаби айниқса шундаки, Франция иттифоқида техникаси қолоқ ва маданияти қолоқ бўлган аҳоли бор. Бундай аҳоли эркинликка эга бўлган тақдирда қандай ишлар қилиниши мумкинлигини Ўзбекистон ёрқин кўрсатиб туради.

Жан — Поль Сартр ўзининг самимий кутиб олинганлиги ва республиканинг ҳаёти блан ҳартомонлама танишиш учун катта имконнят берилганлиги учун Ўзбекистон жамоатчилигига самимнят блан миннатдорчилик билдирди ва Ўзбекистоннинг маданнят арбобларига уларнинг самарали ижодий ишларида янги муваффақиятлар тилади.

Жан — Поль Сартр 14 июньда Москвага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

# ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИНИНГ ЖАНВА КЕНГАШИ

ЖАНВА, 15 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Тўққиз делегациянинг кечаги ёпиқ мажлисида Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш масаласини муҳокама қилиш давом этди.

Бу масала юзасидан бундан кейинги ёпиқ мажлис 16 июньда бўлади.

# Жанва кенгаши теварагида

ЖАНВА, 15 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Ма'лум бўлишича, 9 делегациянинг Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш масаласини муҳокама қилишни давом этдирган кечаги ёпиқ мажлисида уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини кузатишни ташкил қилишга доир масалалар кўриб чиқилган.

Ма'лумки, Вьетнам Демократик Республикаси делегацияси томонидан 10 майдаёқ тақдим этилган проектнинг саккизинчи моддасида уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларининг амалга оширилиши устидан контроль урнатиш ва шу мақсад блан уч давлатнинг ҳарқайсисида аралаш комиссиялар, я'ни урушучи томонларнинг вакилларидан иборат аралаш комиссиялар тузиш кўзда тутилган эди. Франция делегациясининг 8 майдаги таклифларида ҳам Вьетнамда, Лаосда ва Камбоджада уруш ҳаракатларининг тўхтатилиши тўғрисидаги битимнинг бажарилиши устидан халқаро контроль ўрнатиш кўзда тутилган эди.

Контроль масаласи устида дискуссия бораётганида совет делегацияси уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларини бажаришда томонларга ёрдам кўрсатиш мақсадида бетараф мамлакатлардан иборат кузатучи комиссия тузишни битимда кўрсатиб ўтишни 14 майда таклиф қилган эди. Шундан бироз кейни совет делегацияси бу комиссия составига қуйидаги мамлакатлар: Ҳиндистон, Польша, Чехословакия ва Покистонни таклиф қилди. Хитой Халқ Республикасининг делегацияси ҳам бирқанча муҳим масалалар блан бир қаторда аралаш комиссиялар масаласини ҳамда кузатучи халқаро комиссия масаласини ўз ичига олган таклифларн киритди.

Мазкур таклифларн муҳокама қилиш вақтида кенгаш қатнашчилари аралаш комиссиялар тузишни ҳам, шунингдек халқаро кузатучи комиссия тузишни ҳам мақсадга мувофиқ деб топдилар. Шу блан бирликда, аралаш комиссияларнинг вазифалари ва ваколатлари масаласи тўғрисида, халқаро комиссиянинг составн тўғрисида ҳамда бу комиссия ўз қарорларини қай тартибда қабул қилиши тўғрисида ҳали бир фикрга келинмаганлиги аниқланди. Бирқанча делегациялар, аралаш комиссиялар халқаро комиссиянга ёрдамчи орган бўлишлари лозим ва бу комиссиялар халқаро комиссия томонидан зарур бўлиб қолган пайтларда тузилиши лозим, деган фикрни айтдилар. Бошқа делегацияларнинг фикрича, шу жумладан, СССР делегациясининг ҳам фикрича, ҳар икки томон қўмондонлигининг баббаравар миқдордаги вакиллардан иборат қилиб тузиладиган аралаш комиссиялар халқаро комиссия блан параллель равишда, бир-бирларига бўйсунмаган ҳолда ишлашлари лозим.

СССР делегацияси аралаш комиссияларнинг вазифалари ва ваколатлари масаласи тўғрисида гапирган вақтда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг характеридан мана шундай комиссиялар тузиш зарурлиги келиб чиқади, чунки бу битимга риоя қилиш аввало ҳар икки томоннинг вазифасидир, битим шартларининг бажарилиши учун асосий жавобгарлик ҳар икки томоннинг устига тушиши лозим, деган фикрга асосланган эди. Совет делегациясининг фикрича, аралаш комиссиялар уруш ҳаракатларининг тўхтатилиши тўғрисидаги битим шартларини бажариш юзасидан конкрет тадбирларнинг жойларда амалга оширилишини та'минлашлари лозим. Жангни айни бир вақтда ва ҳамма жойда тўхтатишни та'минлаш устидан, зоналарни белгилаш ва ҳар икки томон қуролли кучларини шу зоналарга тўплаш планининг бажарилиши устидан контроллик қилиш, битим шартларининг бузилишига доир бошқа масалаларни томонларнинг ҳарбий вакиллари ўртасида музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал қилиш мана шундай тадбирлар жумласидандир.

Уруш ҳаракатларининг тўхтатилиши тўғрисидаги битимнинг бажарилишини кузатучи халқаро комиссиянинг вазифалари ва ваколатларига келганда, совет делегациясининг фикрича, қўшинларни, ҳархил қурол-яроғларни ва ўқ-дориларни четдан Ҳинди-Хитойга киритмаслики кузатиб туриш, ҳарбий демаркация линияларининг белгиланганлиги ва демилитаризация зоналари белгиланганлиги тўғрисидаги қарорларнинг томонлар тарафидан бажарилишини, зоналари ажратган вақтда шу зоналарга ҳарбий қисмларнинг кўчириб жойлаштирилишини, ҳарбий асирларнинг ва назорат остига олинган гражданларнинг ҳар икки томон тарафидан репатриация қилинишини кузатиб туриш мазкур комиссиянинг асосий вазифаларидир. Совет делегациясининг кўрсатиб ўтишича, халқаро кузатучи комиссия уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг демилитаризация қилинган зоналарда бузилганлигига доир фактларни аралаш комиссиянинг ёки шу комиссиядаги томонлардан бирининг илтимоси блан текшириб кўриши ва шу фактларни йўқотиш тўғрисида ҳар икки томонга ўзининг таклифларини тақдим этиши лозим. Яна шу комиссиянинг ўзи битимга киритилиши мумкин бўлган тузатишлар ва қўшимчаларни ҳам тавсия қилиши лозим.

Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимга риоя қилиниши устидан контроль қилиш масаласи муҳокама қилинаётган вақтда совет делегацияси томонидан баён қилиб ўтилган позиция шундан иборат бўлди. Дискуссия халқаро кузатучи комиссиянинг состави ҳақидаги масалада ва шу комиссиянинг ичида қарорлар қабул қилиш тартиби ҳақидаги масалада дискуссия вақтида энг кўп қийинчиликлар туғилганлигини кўрсатди. Совет делегациясининг фикрича, халқаро комиссиянинг состави масаласини ҳал қилишда бирёқламаликка йўл қўйилмаслиги лозим, чунки бу комиссия ҳар икки томон манфаатларини ҳисобга олиб иш кўрадиган холис орган бўлиши лозим.

Халқаро комиссиянда қарорлар қабул қилиш тартибига келганда, совет делегациясининг айтишича, комиссияда турли аҳамиятга эга бўлган масалалар кўриб чиқилади ва қарорлар қабул қилишда, айниқса томонларнинг манфаатларига энг кўп тааллуқли бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда бирёқламаликка йўл қўйилмаслиги лозим. Шунга кўра, совет делегацияси бирқанча масалаларда комиссия ўз қарорларини кўпчилик овоз блан қабул қилиши мумкин деган фикрга ўзининг қўшилишга тайёр эканлигини билдирди. Бу ҳолда комиссия раисининг алоҳида роли борлиги кўзда тутилиши ва комиссия а'золарининг овозлари баббаравар тақсимланиб қолган тақдирда, раисниг овози ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлиши лозим.

Олинган ма'лумотларга қараганда, кечаги мажлисда совет делегацияси, бамаслаҳат бир фикрга келишни енгиллаштиришга интилиб, уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини кузатиб туришни ташкил этишга тааллуқли ўз таклифларини тақдим қилган.

Совет таклифларида аралаш комиссиянинг (яраш бўйича ҳарбий комиссиянинг) ҳам, шунингдек бетараф давлатлар вакилларидан иборат кузатучи комиссиянинг ҳам составн, шунингдек вазифалари ҳамда ваколатлари белгилаб берилган.

Айтишларига қараганда, СССР делегацияси ҳар икки томон қўмондонлигининг баббаравар миқдордаги вакилларидан иборат аралаш комиссия тузишни, шу комиссиянинг улкан а'золари генераллардан иборат бўлишини таклиф қилган. Аралаш комиссия ҳар икки томондан баббаравар миқдордаги а'золардан иборат инспекторлик группалари тузишн керак. Шу группаларнинг сонига келганда, уларнинг сони томонлар тарафидан бамаслаҳат белгиланади.

Совет делегациясининг таклифларига кўра, аралаш комиссия уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини контроль қилиб туради. Зоналарни белгилаш ва томонларнинг қуролли кучларини шу зоналарга жойлаштириш планининг аниқ бажарилишини, шунингдек жангнинг айни бир вақтда, ҳамма жойда ва тўла равишда тўхтатилишини та'минлашни контроль қилиш шу комиссиянинг асосий вазифасидир. Аралаш комиссия уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларининг ҳарқандай бузилишига доир ҳамма масалаларни ҳам музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал қилади.

Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини кузатучи комиссияга — бетараф давлатлар комиссиясига келганда, совет делегациясининг таклифида айтилишича, бу комиссия бетараф давлатларнинг, я'ни Ҳиндистон, Польша, Чехословакия ва Покистоннинг вакилларидан тузилади. Шу блан бирга, совет делегацияси тушунтириб ўтганки, Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларида қуролли кучлари иштирок қилмаган давлатнигина «бетараф давлат» деб тушунмоқ керак. Бетараф давлатлар комиссиясига мазкур давлатларнинг ҳарқайсисидан баббаравар миқдордаги вакиллар а'зо бўлиб кириши лозим. Комиссия бетараф давлатлар томонидан баббаравар миқдорда тайинланган офицерлардан инспекторлик группалари тузади.

Совет таклифлари бетараф давлатлар комиссиясининг вазифаларини ва ваколатларини белгилаб берди. Бетараф комиссиянинг вазифалари ва ваколатлари уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажаришига доир назорат, кузатиш, инспекция қилиш ва текшириш ишларини ўтказишдан иборатдир.

Уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақидаги битим асосида ҳарбий демаркация линиясини белгилаш тўғрисидаги ҳамда демилитаризация зоналарини белгилаш тўғрисидаги қарорларнинг томонлар тарафидан бажарилишини, шунингдек зоналарни тартибга солиш мақсадида ҳарбий қисмларнинг кўчириб жойлаштирилишини ва ҳар икки томоннинг ҳарбий асирларни ҳамда назорат остига олинган гражданларни репатриация қилишларини ҳам бетараф давлатларнинг комиссияси кузатиб туриши лозим. Совет таклифларига кўра, уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг демилитаризация қилинган зоналарда бузилганлигига доир фактларни аралаш комиссиянинг ёки шу комиссиядаги томонлардан бирининг илтимоси блан текшириш ва аниқлаш ҳам комиссиянинг вазифаси қаторига киради.

Олинган ма'лумотларга қараганда, совет таклифлари бетараф давлатлар комиссиясининг ишлаш тартибини ҳам белгилаб беради. СССР делегацияси, бу комиссия қарорларни ўз а'золарининг келишуви блан қабул қилсин ва шу қарорлар тўғрисида аралаш комиссияни хабардор қилиб турсин, деб таклиф қилган. Шу муносабат блан аралаш комиссия тегишли чоралар кўришга ёки масалани бетараф давлатлар комиссиясига қайтадан кўриб чиқиш учун топширишга мажбурдир. Масалани шу тарика кўриб чиқиш ижобий натижа бермаса, у ҳолда бетараф давлатлар комиссияси бу хусусда дарҳол аралаш комиссияни ва гарант давлатларни хабардор қилишга мажбурдир.

Совет таклифларида айтилишича, уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишига доир бирор масала муҳокама қилинаётганида бетараф давлатлар комиссиясида ихтилоф туғилса, бу ҳолда комиссия ёки унинг айрим а'золари шу масала тўғрисида аралаш комиссияга, шунингдек Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг бажарилишига кафил бўлган гарант давлатларга ахборот бериб, унда комиссия а'золарининг бу масалада қандай позиция тутаётганликларини кўрсатади. Агар аралаш комиссия ихтилофни бирёқлик қилаолмаса, у ҳолда гарант давлатлар битимнинг бузилиш фактларини йўқотиш ёки шундай бузилиш хавфини йўқотиш чораларини кўрадилар.

Совет таклифларида комиссия ўз а'золари ўртасида ихтилоф бўлмаганида қандай масалалар устида қарор қабул қилиши мумкинлиги айтиб ўтилган. Битим шартлари бузилганида ёки мана шундай бузилиш хавфи туғилганида уруш ҳаракатларининг яна бошланиб кетиш эҳтимоли пайдо бўлишига даҳлдор бўлган масалалар ва уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларига тузатишлар ҳамда қўшимчалар киритишга тааллуқли масалалар шундай масалалар жумласидандир.

Совет таклифларига кўра, бетараф давлатлар комиссияси қуролли кучларнинг янги қисмларини, қурол-яроғларни, ўқ-дориларни ва ҳарбий техника воситаларини Ҳинди—Хитойга четдан келтиришга йўл қўймасликдан иборат комиссия вазифаларининг бажарилишига доир масалалар устида, уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг бузилганлиги ҳақида аралаш комиссиянинг ёки комонлардан бирининг арзини текширишга тааллуқли масалалар устида ва, ниҳоят, бетараф давлатлар комиссиясининг компетенциясига тааллуқли бошқа масалалар устида қарорларни оддий кўпчилик овоз блан қабул қилиши лозим. Мазкур масалалар муҳокама қилинаётганида овозлар баббаравар бўлиб қолса, у ҳолда комиссия раисининг овози ҳал қилучи овоз бўлади.

Айтишларига қараганда, совет таклифларида, аралаш комиссия ва бетараф давлатлар комиссияси параллель иш олиб боради, дейилган. Бир комиссиянинг иккинчи комиссияга бўйсуниши мумкун эмас. Уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг самарали бажарилишини та'минламоқ учун ҳар икки комиссия уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимда кўзда тутилган ваколатлар асосида вазифаларни бўлиб олиш ва ҳамкорлик қилиш тартибида ишлайдилар.

Аралаш комиссия ва бетараф давлатлар комиссияси уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг бузилганлигини ёки бузилиш хавфини йўқотиш чораларини кўришга қодир бўлмай қолсалар ва шу муносабат блан уруш ҳаракатларининг яна бошланиб кетиш хавфи туғиладиган бўлиб қолса, бундай ҳолда, совет таклифларида айтилишича, гарантиялар тўғрисидаги битимга қатнашган давлатлар битимнинг бажарилишини та'минлайдиган коллектив тадбирлар кўриш мақсадида маслаҳатлашиб олмоқ учун кенгаш чақирадилар.

Олинган ма'лумотларга қараганда, АҚШ делегацияси совет делегациясининг мана шу таклифларини чинакам кўриб чиқиш ўрнига, Лаос ва Камбоджа масаласини яна ўртага тиқиб, бутун Ҳинд-Хитой проблемасини муҳокама қилишни шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ қилиб қўйган. Бу блан АҚШ делегацияси уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини кузатиш ҳақидаги муҳим масала устида қарор қабул қилинишига сун'ий тўсқинлик вужудга келтиришга урунган.

АҚШ вакили кенгашнинг яқин орадаги мажлисини Лаос ва Камбоджа масаласига бағишлашни таклиф қилган. АҚШ вакили, аралаш комиссия ҳалқаро комиссияга бўйсундирилсин ва ҳалқаро комиссиянинг қарорлари аралаш комиссия учун мажбурий бўлсин, деб талаб қилишда давом этган.

Франция вакили аралаш комиссия блан ҳалқаро комиссиянинг параллель ишлашлари мумкин бўлмаса керак деган фикрни айтган.

Хабарларга қараганда, Хитой Халқ Республикасининг ва Вьетнам Демократик Республикасининг вакиллари совет делегациясининг таклифларини ёқлаб чиққанлар. Улар АҚШ делегациясининг позициясини танқид қилганлар.

Хитой халқ Республикасининг вакили, ихтилофларни анализ қилган вақтда ба'зи делегацияларнинг Ҳинд-Хитойда тинчликни тиклашга ёрдам беришни истамаганликлари ва кенгашда сун'ий гов яратишга интилаётганликлари ма'лум бўлди, деб айтган. Хитой Халқ Республикасининг делегацияси кенгашнинг яқин кунларда бўладиган мажлисларидан бирида Лаос ва Камбоджа масаласи тўғрисида ўз фикрларини баён қилишга тайёр эканлигини билдирган.

Вьетнам Демократик Республикасининг вакили, делегациямиз Лаос ва Камбоджада миллий-озодлик кураши бораётганлигини кўрсатучи аниқ далиллар келтириб ўтган эди, деб та'кидлаган. Шу фактни ҳисобга олмаслик, деган Вьетнам Демократик Республикасининг вакили, воқи'ликдан ажралиб қолиш ва шундай қилиб, Лаос ҳамда Камбоджа масаласини ҳал этишга қодир бўлмай қолиш демакдир.

Айтишларига қараганда, Англия делегацияси Лаос ва Камбоджа тўғрисида АҚШ вакили томонидан айтилган гапларни қувватлаган. Англия вакили, совет делегациясининг таклифлари ҳалқаро ва аралаш комиссиялар масаласидаги асосий ихтилофларни бартараф қилаолмайди, деб айтган.

Хабар беришларича, СССР вакили энг жанжалли масала устида совет делегацияси томонидан қилинган таклифларнинг конкрет таклифлар эканлигини та'кидлаб, бошқа делегациялар бу таклифларни кўриб чиқурлар, деб умид билдирган. Совет делегациясининг фикрича, мазкур таклифлар ҳалқаро ва аралаш комиссиялар масаласини ҳал қилмоқ учун негиз бўлади. СССР вакили айтганки, ҳалқаро комиссияда овозлар баббаравар бўлиниб қолган тақдирда, шу комиссияда ҳал қилучи овозга эга бўлучи раис сифатида Совет делегацияси Ҳиндистон вакилини кўзда тутган эди. Бу мамлакат совет делегациясининг ҳалқаро комиссия состави тўғрисидаги таклифда биринчи бўлиб тилга олинган ва унга қарши ҳеч қандай э'тироз бўлмаган эди.

СССР вакили, аралаш комиссия ҳалқаро комиссияга бўйсундирилиши лозим, деган таклиф блан чиққанларни танқид, қилган Масаланинг бу тахлитда қўйилиши, деб та'кидлаган СССР вакили, ҳалқаро комиссия ўз продасини зўравонлик блан ўтказиши лозим бўлади демакдир. Томонлар ҳалқаро комиссиянинг қарорини бажариш тўғрисида ҳалқаро комиссия чиқарган қарорга розн бўлмаганлари тақдирда ҳалқаро комиссия томонларни мажбур қилмоқ учун мамлакатга четэл қуролли кучларини киритишн, я'ни мамлакатни оккупация қилиб олишн лозим бўлиб қолади. Бу нарса эса, Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш соҳасида Жанва кенгашц олдига турган вазифаларга мос бўлиб тушмайди. Шундай таклиф қабул қилинсин, деб талаб этиш,—деган СССР вакили, — Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклашни истамаслик демакдир. Шу сабабли совет делегацияси аралаш комиссиянинг халқаро комиссияга бўйсундирилишига қаршидир.

Лаос ва Камбоджа масаласига келганда, совет делегацияси ба'зи делегацияларнинг бу мамлакатларда миллий-озодлик кураши йўқ, деб айтган гаплари об'ектив аҳволни акс этдирмайди, деб ҳисоблайди. Ма'лумки, совет делегацияси Лаос ва Камбоджа масаласи тўғрисида ўз нуқтаи назарини баён қилиб ўтган эди. Совет делегацияси бу масаланинг муҳокама қилиниши кенгаш ҳозирги вақтда шуғулланаётган масалаларнинг муҳокама қилинишига халақит бермаслиги лозим, деб ўйлайди ва шу сабабли Лаос ва Камбоджа масаласининг яқинда бўладиган мажлисларидан бирида муҳокама қилинишига қаршилик қилмайди.

## ЭЙЗЕНХАУЭР ШАХСИЙ ВАКИЛИНИНГ ҚОҲИРАДАГИ МУЗОКАРАЛАРИ

ҚОҲИРА, 14 июнь. (ТАСС). Президент Эйзенхауэрнинг махсус вакили Эрик Жонстон тўртта араб мамлакати — Миср, Ливан, Сурия ва Иордания вакиллари блан музокаралар олиб бориш учун бир группа америка амалдорлари блан бирга 11 июньда Қоҳирага келди.

Ма'лумки, 1953 йил ноябрь ойида Жонстон Яқин Шарқ мамлакатларига сафар қилиб, Иордан дар'ёсининг сувидан фойдаланиш ҳақидаги америка планини таклиф қилган эди, бу план араб мамлакатлари томонидан рад этилган эди. Кейинчалик араб мамлакатлари ва Исроил америка планидан фарқ қилган ўз проектларини ишлаб чиққан эдилар.

Матбуотнинг ёзишича, Жонстон Яқин Шарққа қилган ҳозирги сафари вақтида уч мамлакатнинг бир-биридан фарқ қилган позицияларини «мувофиқлаштиришни», аслда эса, америка монополияларнинг манфаатларини ифода қилган планларини қабул этишга араб мамлакатларини ва Исроилни мажбур этишга яна уринишб кўрмоқчи бўлади.

Кеча араб мамлакатлари (Миср, Сурия, Ливан ва Иордания) вакилларининг Жонстон блан биринчи учрашуви бўлди. Бу учрашувда Миср ташқи ишлар министри Фавзий ҳозир бўлди.

Жонстон ва унинг ёнидаги кишилар Мисрда 17 июньгача бўладилар, Сўнгра Исроилга жўнаб кетадилар.

## МЕНДЕС-ФРАНСНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 14 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги билдиради: ҳукумат тузиш вазифаси топширилган Мендес-Франс бугун Ланьель блан учрашди.

45 минут давом этган суҳбатдан кейин Мендес-Франс бундай деди:

«Раншанки, ҳозирги аҳволда ҳаммадан аввал Ҳинди-Хитой проблемасига э'тибор берилиши ва ҳамма киши ўз э'тиборини бундан келиб чиқадиган жавобгарликка қаратиши ҳамда бу проблеманинг икки аспектига: маҳаллий ва ҳарбий аспектига ҳамда дипломатик ва Жанва аспектига қаратиши лозим».

Мендес-Франс генерал Гийом блан ва қуролли кучлар уч турининг штаблари бошлиқлари блан, шунингдек Ҳинди-Хитойдаги аҳволдан яхши ҳабардор бўлган ҳарбий арбоблар блан учрашиш, улардан ахборот олиш ниятида эканлигини айтди, бу ахборот унга Миллат мажлиси олдида конкрет таклифлар блан чиқиш имкониятини берарди.

Ланьель блан учрашишдан олдин Мендес-Франс Миллат мажлиси раиси Ле Трокер ва Республика кенгаши раиси Моннервиль ҳузурида бўлди.

## ТУНИСДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 14 июнь. (ТАСС). Матбуотнинг хабар беришича, Тунисда аҳвол ҳамон жуда кескинлигича қолмоқда. Кейинги уч кун ичида Тунис шаҳрида катта тинтувлар ўтказилган. Бу тинтувлар вақтида ҳарбий ма'мурлар ва полиция ма'мурлари тунислилардан 750 кишини қамоққа олганлар.

12 июньда Сиди-Бу-Эйд районида қуролланган тун